# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган • 10 апрел, № 15 (3451) •


# СОҲИБҚИРОН АДОЛАТИ

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ АСОСЛАРИГА ДОИР

Жаҳон тарихида ҳарбий санъат даҳолари кам учрайди. Тарихчилар Ю. Цезар, А. Македонский, Чингизхон, Наполеон каби буюк ҳарбий даҳолар сафига ҳақли равишда Амир Темурни ҳам киритадилар. Лекин Амир Темур фақат буюк саркардагина эмас эди. У айни пайтда буюк давлат арбоби ҳам эди. Шу сабабли тарихнинг жуда қалтис, оғир даврида ҳокимият тепасига келиб, ўз мамлакатини ҳалокатдан асради ва юксак тараққиётга олиб чиқишга муяссар бўлди. Амир Темур нафақат Ўрта Осиё халқларини тарих саҳнасига олиб чиқди, балки жаҳон тарихига ҳам сезиларли туртки бера олди.

Амир Темур даҳоси «саркарда — давлат арбоби — ислоҳотчи» тарзида намоён бўлди. Шу маънода Амир Темур туркий халқлар осмонида балқиган бир қуёш бўлди.

Хўш, Амир Темур давлатида амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий моҳияти нимада?

Аввало, Амир Темур давлатни бошқаришда унинг асосий заминини мустаҳкамлашга эътибор берган. Бунда Амир Темур ўз давлатининг тузилмасини қатъий тартибда, мунтазам қоидалар асосида бирлаштирди.

Амир Темур улкан давлатни бошқаришда подшодан то оддий хизматчигача, юқоридан қуйи барча идоралар, давлат хизматларининг ягона тузилмасини яратишга эришган. Тарихий манбаларда айтилишича, давлат муассасаларида катта-кичик мансабдорлар хизмат қилишган ва уларнинг вазифалари қатъий тарзда белгилаб қўйилган.

Амир Темур адолат ва инсоф билан иш тутиб, халқни ҳам ўзидан рози бўлишга ҳаракат қилди. Амир Темур ҳукумати янги ер очган ва ташландиқ ерларни обод қилган зироатчиларга алоҳида имтиёзлар берган. «Раиятдан хирож олишда, — деб айтади у, — уларни оғир аҳволга солишдан сақлаш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашишига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши эса ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».

Амир Темур учун улкан давлат тузиш қуруқ мақсад бўлмаган. Унинг давлати ёлғиз ўз асосчисига ёки улкан ҳарбий машинасига хизмат қилган деб бўлмайди. Чунки, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур даврида халқ яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, фаровон ҳаёт кечирган.

Амир Темур жуда йирик қўшинга эга бўлганлиги ва кўплаб юришлар қилишига қарамай, давлат аппаратини ҳарбий соҳага эмас, кўпроқ фуқаролик ҳаётига жалб этган. Соҳибқиронинг давлат бошқаруви самарасини белгиловчи иккинчи омил давлат сиёсатининг кенг ижтимоий асосга қўйилганлигидир. Амир Темур салтанати бошқаришда кенгаш, машварат ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган. Муҳим давлат ишлари, давлат аҳамиятига молик масалалар қурултойда ҳал қилинарди. Унда барча амирлар, улус ва вилоят ҳокимлари, арконн давлатнинг барчаси иштирок этган.

Юқорида айтиб ўтилган сиёсий институтлардан ташқари Амир Темур давлат бошқаруви амалиётига ижтимоий тоифаларга таяниш қоидасини киритган. Амир Темур ўз тузукларида давлат асосини қуйидаги ўн икки ижтимоий тоифа ташкил этади деб ҳисоблаган:

1) Саййидлар, уламо, машойих, фозил кишилар;
2) ишбилармон, донишманд одамлар;
3) ҳудожўй, таркидунё қилган кишилар;
4) нўёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар;
5) сипоҳ ва раият (қўшин ва халқ);
6) махсус ишончли кишилар;
7) вазирлар, саркотиблар;
8) ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар;
9) тафсир ва ҳадис олимлари;
10) аҳли ҳунар ва санъатчилар;
11) сўфийлар;
12) савдогар ва сайёҳлар.

Амир Темур давлатчилигидаги яна бир жиҳат — ҳокимият тармоқларининг самарали фаолиятидир. Ҳокимиятнинг умумий кўриниши унча мураккаб бўлмаган, лекин оқилона ташкил этилган.

Амир Темур нафақат XIV асрда жаҳонга даҳшат солган энг мукаммал армиянинг ташкилотчиси ва саркардаси эди, балки у марказлашган маърифатли монархия тузган арбоб, ўз давлатининг илғор сиёсий институтларини жорий этган ислоҳотчи ҳам эди. Шу жиҳатдан унинг серқирра фаолияти қатъий қоидаларга асосланганлиги табиий ҳолдир.

Тарихда мавжуд бўлган йирик марказлашган давлатлар, империялар ўз моҳиятига кўра турлича бўлган. Айтайлик, Александр Македонский империяси эллин-юнон маданияти асосига, Рим империяси куч-қудрат тимсоли бўлган қўшин тартиб-интизомига, Чингизхон империяси уруғ-аймоқчилик асосидаги бошқарув тизимига, Наполеон империяси ҳарбий техникага, чор Россияси империяси-миллий истибдодга, собиқ «қизил империя» — СССР давлати эса коммунистик мафкурага асосланган эди.

Фикримизча, Соҳибқирон Темурнинг буюк салтанати айтиб ўтилган империялардан фарқли равишда ягона омилга эмас, мустаҳкам асосга эга эди.

Давоми иккинчи бетда


МАТНШУНОСЛИК ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁН 3-бет

ИЛМ АРО ГАР ВОҲИДИ ДАВРОНСАН... 4-бет


## ЛАҲЗАДА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ

*Ушбу суратдагилар. Биринчи қаторда (чапдан ўнгга): машҳур созанда Аҳмаджон Умрзоқов; кўплаб аскиячи ва қизиқчиларга устозлик қилган, машҳур сўз устаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.*

*Иккинчи қаторда: (чапдан ўнгга) ажойиб қизиқчи, Ўзбекистон халқ артисти Соиб Хўжаев; машҳур созанда, бастакор, аскиячи, Юсуфжон қизиқнинг яхши кўрган шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов; аския шинавандаси, Тошкентдаги Автомобил ҳайдовчиларини тайёрловчи мактабни кўп йиллардан бери бошқариб келган Салоҳиддин Муҳиддинов; қизиқчи ва аскиячи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон қизиқ Ҳузуржонов.*

*Сурат Ғанижон ТОШМАТОВнинг архивидан олинди*

# ТУРОН ЯККАКУРАШИ

***Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 662 йиллиги муносабати билан 4-5 апрел кунлари Қарши шаҳрида «Турон яккакураши» мусобақалари бўлиб ўтди.***

Халқимизнинг даҳо фарзандлари таваллуд топган саналарни нишонлаш, улар шарафига турли оммавий тадбирлар ўтказиш юртимизда яхши анъанага айланиб қолди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз туғилган кун эса ҳар йили алоҳида тайёргарлик билан кутиб олинмоқда. Бу йил Қашқадарёда шу сана муносабати билан вилоят миқёсида катта полвонлар кураши бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти Амир Темур жамғармаси, «Камолот» жамғармаси, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Қарши бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақада вилоят туманларида истиқомат қилаётган барча номдор полвонлар иштирок этишди.

Шуни айтиш керакки, Турон яккакураши деб аталган бундай беллашув биринчи марта кенг кўламда ўтказилмоқда. Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур даврида ботирлик, шижоат, мардлик, ўз кучига ишонч каби фазилатлар алоҳида қадр топган эди. Муборизлик-паҳлавонлик мусобақалари барча ҳудудларда оммавий тадбир сифатида ўтказилар, уларда ўз маҳорати, куч-қудратини намоён этган ботир йигитлар катта-катта мукофотлар билан сийланар эди. Хусусан, соҳибқирон бобомиз ўз даврида Турон паҳлавони —Муборизнинг ғалабаси учун ҳар йили мусобақалар уюштиргани, ҳар бир музофотда енгилмас баҳодирлар тайёрлайдиган махсус даргоҳлар бўлгани тарих саҳифаларидан яхши маълум. Бу мусобақаларда чавандозлик, қиличбозлик, найзабозлик, кураш каби мардона беллашувлар билан бирга қуролсиз ҳолдаги қўл ва оёқ жангига ҳам муносиб ўрин берилган. Бу ўзига хос кураш усули чавгон ўйинлари сингари халқ ўртасида алоҳида эътибор топган эди.

Давоми иккинчи бетда

Бангладеш Халқ Республикаси пойтахти Даккада Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари тасвирий санъатининг халқаро 8 Биеннаси бўлиб ўтди. Унда Австралия, Миср, Хитой, Япония, Саудия Арабистони, Индонезия, Туркия, Малайзия каби 35 давлатдан 700 дан ортиқ рассомнинг асарлари намойиш этилди.

Биеннале ташкилотчиси, Бангладеш Бадиий академиясининг бош директори Озод Раҳмоннинг таклифига биноан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳам бир неча ўзбек рассомларининг асарларини тақдим этди. Улар орасида машҳур ёғоч ўймакор устаси Муҳаррам Иброҳимова, манзарачилар — Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нуриддинов, Шоира Қўзиева, Ўзбекистон Бадиий академияси Олтин медали совриндори Ортиқали Қозоқов, Даврон Муҳиддинов бор эди.

*Тўрт сатр*

Офтоб фарзандидир олтин далалар,
Мўл-мўл нурин сочар бош узра балқиб.
У сенинг тилингда айтар аллалар,
Офтобдай ардоқли, эй, она халқим!

Рауф ПАРФИ

# ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Жаҳон санъати оламида нуфузли Осиё Биеннналеларида илк бор иштирок этган беш нафар рассомимиз Биеннале лауреати бўлди. Ортиқали Қозоқов билан Ғафур Абдураҳмонов анжуманнинг махсус дипломини олди.

Ўзбекистонлик ижодкорларнинг тўққизта иши Биеннале Бош каталогидан ўрин олди. Ана шу каталогда юртимиз ва рассомларимиз Биеннале ҳайъати раиси, японялик таниқли санъаткор Фумихико Ямамото «Буюк Ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган қадим юрт — Ўзбекистон рассомларининг асарларида Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларининг маҳобатли кўринишлари, ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари юқори маҳорат билан акс эттирилиши томошабинда чуқур қизиқиш уйғотган»лигини қайд этса, анжуман бош ташкилотчиси Озод Раҳмоннинг «Бугунги жаҳон маданий меросини ўзбек халқининг санъатимиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хаттотлик, миниатюра каби нафис санъатлари билан дунё маданиятига муносиб ҳисса қўшган улуғ мусаввир Беҳзод айнан шу юртда туғилганлиги бежиз эмас», деган сўзлари ўзбек рассомлари ижодига берилган муносиб баҳо бўлди.

Б. МАНСУРОВ

*Навоийхонлик*

Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони ўзининг рангин маънавий олами, камалакдек жилоланувчи ҳиссий кечинмалари, нозик идроки ва чуқур мушоҳадалари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг поэтик моҳорати ана шу фазилатларни гавдалантиришда турли урф-одатлар, исм-расмлардан фойдаланишда ҳам кўзга ташланади. Фикримиз исботи сифатида айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Шарқда янги ой — ҳилол пайдо бўлганда унга умидворлик билан кўз тикиш, яхши ниятлар қилиш одати ҳанузгача мавжуд. Навоий лирик қаҳрамонининг рашкдан туғёнга келиши ана шу одат билан ҳамоҳангликда қуйидагича ифодаланади:

**Қошин кўрган ҳасаддин истарам эл кўзи боғлангай,**
**Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор кўргач.**

Байтдаги ҳар бир сўз бир-бири билан ҳам шаклан — ташқи белги жиҳатдан, ҳам мазмунан — моҳият нуқтаи назаридан чамбарчас боғланганки, ошиқ рашки билан янги ойга кўз тутиш ўртасидаги тасаввурдан ташқари узоқлик бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, эмоционал бўёқни кучайтиради.

# МИСНИ ТИЛЛО АЙЛАГУВЧИ СЎЗ

Шарқ халқларида, хусусан, ўзбекларда исм осмондан инади, деган тушунча қадимдан мавжуд. Бу эътиқод даражасига кўтарилган тушунча бўлиб, бола ҳадеб хасталанаверса, исмини кўтаролмади, дея безовталаниш ҳолларига дуч келамиз. «Исми жисмига мос» деган ибора ҳам бежиз қўлланилмайди.

**Ғар қуёш дерлар юзингни гарм бўлиб чекма тийғ,**
**Элга журми йўқ, инар чун осмондин ҳар лақаб.**

Байтдаги шоир маҳорати шеърхонни ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Юз — қуёшга ўхшатилади, қуёш ўз навбатида гарм — иссиқ бўлиши табиий. Ундан таралаётган нур — мисоли тиғ. Иккинчи мисрадаги «осмон» сўзи ҳам қуёш билан мантиқан боғланган. Ёрнинг юзини қуёшга ўхшатганлиги учун «гуноҳкор» эл бошига тиғ қадалиши биз — шеърхонлар учун ҳам энди табиий туюла бошлайди.

Шарқона такаллуф, айтайлик, меҳмоннавозлик қоидалари ҳам Навоийнинг соҳир қаламида ошиқ қалб кечинмалари, рангин ҳиссиётлари, кайфият ва ҳолатларини баднй ифодалаш ва образга жило бериш воситасига айланади. Жумладан, меҳмон кузатиш одати ошиқ ҳолати баёни билан уйғунлаштирилган ҳолда қуйидаги лирик шарҳни юзага келтиради:

**Чексалар жондин ўқин чун ул чиқар, жон ҳам чиқар,**
**Уйдин эл чиққан кеби таъзим учун меҳмон билан.**

Шарқ шеъриятида маъшуқа шўҳлиги, айёрлиги кўпинча сайёд ёки тифл-болага қиёсланиши анъанавий ҳол. Аммо Алишер Навоий ана шу образларни қўллар экан, уларни муайян ҳаракатда — жонли тасвирлашга интилади. Бу ҳол ёрнинг хатти-ҳаракати билан муқояса қилинган ҳолда рўй бериши кўз олдимизда лирик қаҳрамонни гоҳ изтироб, гоҳ ҳаяжонга солаётган ҳолатларни яққол гавдалантиришга хизмат қилади. Масалан, болалар тун қоронғисида чироқ ёқадилар, шуъладан кўзи қамашган ва ўзини йўқотиб қўйган ёввойи парранда-лар ўзларини чироққа урган пайтда уларни тутиб оладилар. Ана шу реал ва қатъий лавҳа ёрнинг ошиқ кўнглини овлаш учун қилган хатти-ҳаракатига муқояса қилинади:

**Ҳажр аро ул шўх кўнглум сайд этар рухсор очиб,**
**Тифл оқшом қуш тутарға равшан этгандек чароғ.**

Эшикни беркитиб, калитни бирор белгили жойга яшириш ёки тупроққа кўмиб қўйиш одати деярли ҳар бир кишига маълум. Аммо бундай хатти-ҳаракатдан поэтик топилма яратиш, ундан юксак руҳий кечинмалар ифодасида фойдаланиш учун маҳоратнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун нозик идрок, синчковлик ва кузатувчанликдан ташқари тасаввурнинг ғоят кенглиги ҳам зарурдир:

**Тикти кўзим чокини, тийғин танимда қилди гум —**
**Эл эшикни куфл этиб, тупроққа кўмгандек калид.**

Адабиётшуносларнинг таъкидлаганидек, ҳақиқий санъаткорнинг воқелик билан алоқаси даврнинг таниш лавҳаларини тасвирлаш билангина чекланмайди, балки бу лавҳалар бадиий кашфиёт даражасида ифодаланади. Бундай кашфиётлар... кўп асрлар давомида бир неча авлод кишиларининг юрагига ҳарорат бағишлайди.

Навоийнинг бу фазилати бундан кейин қалам аҳли учун маҳорат мактаби бўлиб қолаверади.

**Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона Давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди**

# «ОИЛАМ — БАХТИМ»

Кўргазмада икки ёш иқтидорли ижодкорлар ўз асарларини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Улардан бири Бадиий академиянинг ёшлар уюшмаси аъзоси, рангтасвир устаси Бахтиёр Обидов. Б. Обидов миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, турли маросимларимизнинг куйчиси. Унинг «Сумалак», «Хазорали», «Кутиш», «Беданавозлар», «Қўшиқ» ва бошқа бир қатор асарлари фикримизнинг далилидир. «Хазорали» сўзининг маъноси минг салом деганидир. Асарда ургутлик келинларнинг миллий либосларда назокатла борлиққа каломларини бажо этаётганларини кўришимиз мумкин. Рассомнинг «Келин ўйлари», «Чимилдиқдаги келинчак» асарларида борлиққа каломларини бажо этаётганликларини кўришимиз мумкин.

Бахтиёр Обидовнинг пейзаж жанрида яратган картиналари ҳам жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ранглар танлашда, табиатнинг борлиғини ифодалашда рассомнинг ижро маҳорати сезилади. («Ҳовуз бўйида», «Шом», «Уфқ»). Кўргазмани томоша қилар эканмиз, Б. Обидов ижоди жуда серқиррали эканига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг асарлари Ўзбекистон миллий банки, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон элчихонаси, Миср Давлати маданият маркази, Голландия, Малайзия, Покистон, Англия, Япония, Франция, Туркия каби давлатларнинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ҳайкалтарошлик бўлими VI курс талабаси Улуғбек Усмонов кўргазмада ҳайкалтарошлик намуналари билан иштирок этган. Унинг асарлари ҳаёт, инсон кечинмалари ҳақида фикр юритишга даъват этади. Айниқса, «Кутиш», «Авлод», «Европанинг ўғирланиши», «Суҳбат» каби асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, «Суҳбат» асарини маҳобатли ҳайкалтарошликнинг юксак намунаси дейиш мумкин.

У. Усмонов «Хива» асарида Ислом Хўжа минораси олдидаги майдонда дорбозларнинг томошасини, инсонларнинг томошага келиш жараёни, инсонлар ҳаракатини бирма-бир сўзлаб беришга ҳаракат қилади. Худди шу жараён «Меъморлар» асарида ҳам сезилади.

У. Усмонов асарлари икки услубда, бўлиб, бири ижодкор ички дунёси, ўй-фикри, изланишлари оқибатида яратилган, иккинчиси ҳозирги давр талабига мослаштирилган асарлардир. Тўғри, ҳозирги кунда миллий анъаналар, ўзлигимизни таниш каби жараён кетаяпти, лекин санъат аҳли «мослашишдан» узоқроқ бўлгани маъқул. Чунки бу йўналиш билан ижодкор санъатда ўзлигини йўқотиши мумкин. У. Усмонов бир қатор рангтасвир асарларини ҳам яратди. Унинг ҳайкалтарошлик ҳамда рангтасвир асарлари Урганч Давлат музейида, Жаҳон тараққиёти банки, Жанубий Корея, Покистон, Швеция, Англия каби давлатлар шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

«Оилам — бахтим» кўргазмаси қатнашчилари бўлган Б. Обидов ва У. Усмонов санъат оламидаги дастлабки одимларини ташламоқдалар. Уларга келгуси ишларида муваффақиятлар ҳамда ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

**Ф. АЮПОВА,**
**Санъатшунослик илмий тадқиқот институти кичик илмий ходими**

*Ўзбекистон Давлат санъат музейининг 80 йиллиги олдидан*

# ГЎЗАЛЛИК ТАЪМИРЧИЛАРИ

Томошабинлар музей ёки кўргазма залларидаги бешикаст, нафосатга бой асарларни кўриб, рассом маҳоратига қойил қоладилар. Асрлар, йиллар давомида гўзаллигини сақлаб келаётган асарлар сири нимада? Шубҳасиз, бу тасвирий санъат гўзаллигини авлодларга қайтариб турадиган таъмир санъати усталарининг меҳнати самарасидир.

Таъмиршунослар санъат сирига яхши тушунадилар, гўзалликни севадилар ва ниҳоятда қадрлайдилар. Яхши тасвир устаси яхши таъмир устаси бўлиши ҳаётда синаб кўрилган. Шарқимизнинг истеъдодли мусаввирлари Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мурод Муҳаммад Самарқандий, Аҳмад Калла ўз асарларини ўзлари таъмирлашаркан. Ўзимизда шулар изидан борган мусаввир Чингиз Аҳмаров умрларининг охиригача бирорта ишларини таъмирлаш устахонасига олиб бормай, ўзлари таъмирлаб келганлари ҳақида бизга айтиб бергандилар. Рассомларимиздан Баҳром Ҳамдамий, Сиддиқий, Ҳаким Ортиқов, Ҳикмат Раҳмонов ва бошқалар ҳам шикастланган асарларини ўзлари таъмирлаб туришган.

Тасвирий санъат асарларини таъмирлаш энг мураккаб ва нозик иш ҳисобланган. Рус Бадиий академиясида XVIII асрнинг 80-йилларида рассом Семен Шчедрин таъмирлаш санъатини бошлаб берди. XX аср бошларида машҳур рус реалист рассоми Илья Репиннинг «Иван Грозний ўғлини ўлдираяпти» асари шикастланганда, бирор таъмирлаш санъати устасининг қўлидан келмагач, рассомнинг ўзини таклиф этишган. И. Репин сира қийналмай, билинтирмай асарни аслига келтирибди ва унинг маҳорати ҳаммани ҳайратга солибди. Бу воқеа Москвадаги Третъяков Давлат галереясида бўлиб ўтганди. Шу кезларда Санкт-Петербург ва Москвада ҳам таъмирлаш устахоналари мавжуд эди.

Россия Туркистонни босиб олгач, оврупоча ишланган рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари пайдо бўла бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг 90-йилига қадар бу тасвирий санъат оқими республикамизни деярли ишғол этди.

Ушбу музей илдизи 1883 йилга бориб тақалади. Петербургдан сургун қилинган князь Н. К. Романов Тошкентга 1881 йили келиб, кейинроқ уч йилдан сўнг, «Анҳор» яқинидаги ихчамгина ғиштли, сувоқсиз саройини битказиб, ҳам яшаш жойи, ҳам бадиий музей ташкил этади. Бу ҳозирги нафосат масканн пойдевори эди. 1918 йил баҳоридан санъат музейи халқимизга хизмат қила бошлаган. Нафақат тошкентликлар, дунё томошабинлари шу даргоҳга қизиқиб қолишди.

Давоми учинчи бетда

*Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ*

# ИФТИХОРИМИЗ МАНБАИ

Бир ўртоғимиз тўй қилди. Унга бора туриб, йўлда ҳам бир неча хонадонда тўй бўлаётганининг гувоҳи бўлдим. Шунда ўйладим: ҳали тўй мавсуми бошлангани йўқ. Шунга қарамай, шаҳарнинг бир маҳалласида шунча тўй. Энди бу ҳолни бутун шаҳар, мамлакат миқёсида ўйлаб, тасаввур қилиб кўрайлик. Бошқача айтганда, бир кунда нечта тўй бўлаяпти экан? Бир ҳафтада, бир ойда-чи?!

Ёки бошқа бир манзара.

Айни кунларда бутун мамлакатимизда Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан йирик-йирик иншоотлар қурилиши ниҳоясига етди, янги-янги боғлар, хиёбонлар барпо этилди. Ариқ-зовурлар қазилиб, қишлоқу шаҳарлар, кўчаю майдонлар супуриб-сидирилиб, янада ободонлаштирилди. Етим-есирлар, беморлар, ногиронлар, ёлғизлар ҳолидан хабар олинди, уларга байрам совғалари берилди. Қозонларда сумалагу ҳалимлар қайнамоқда.

Ҳаммага маълум бу гапларни такрорлашдан мақсад нима, деб ажабланманг. Аксинча, сиз ҳам яна бир карра чуқурроқ ўйлаб кўринг. Биз — ўзбеклар, ўзбекистонликлар тўйлар қиляпмиз, байрамларни нишонлаяпмиз.

Одам боласи қачон тўй қилади ёхуд қай ҳолда байрам кўнглига сиғади? Табиийки, юртда тинчлик, осойишталик, хонадонда хотиржамлик, фаровонлик бўлса. Демак, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни ҳар қанча қадрласак, бунинг учун қайта-қайта шукроналар айтсак арзийди.

Бугун одамларнинг кўзи очилган, шўро замонидаги кўзга кўринмас темир пардалар энди йўқ. Наинки қўни-қўшниларимизда, балки узоқ-узоқлардаги давлатларда ҳам нима бўлаётганини, одамлар қандай кун кечираётганини ватандошларимиз яхши биладилар. Бу ҳақда ойнаи жаҳон ҳам, радио ҳам, газеталар ҳам мунтазам хабар бериб турибди.

*Адиб ва жамият*

Қолаверса, юртдошларимиз бугун дунё кезиб юришибди. Демак, қўшни Тожикистон, Афғонистон воқеаларидан, эски иттифоқ ҳудудида вужудга келган давлатлар ёки социалистик лагерда бўлган бошқа мамлакатлардаги аҳволдан кўпчилик огоҳ. Очиқроқ айтадиган бўлсак, биз тўйлар, байрамлар ўтказиш, янги-янги корхоналар барпо этиш билан бандмиз. Баъзи мамлакатлардан эса «унча одам ўлдирилди, бунча одам гаровга олинди», деган хабарлар келиб турибди.

Мен оддий фуқаро, бир қаламкаш сифатида қўшни мамлакатда бир неча йилдан бери давом этаётган урушни кузатиб ҳайрон қоламан. Улар ўзи нима учун, ким учун урушяпти? Кимлар кимларнинг ноғорасига ўйнаяпти? Наҳотки, бир юрт, бир миллат фарзандлари ўзаро тил топиша олмаса?.. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, деган гап бор ахир. Бу нақлни қўшниларимиз ҳам билишса керак, деб ўйлайман.

Ҳар бир нарсанинг аҳамияти, сифати таққосда, қиёсда аниқроқ намоён бўлади. Юқорида келтирилган мисоллар ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг дастлабки самаралари ҳақида тиниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берса ажаб эмас. Бугунги юртимизни мустақиллигимизни биринчи йилларидаги Ўзбекистон билан қиёслаш мумкинми? (Шўро даврида аҳволни-ку эсламай қўя қолайлик). Ўша йилларда магазинларда, бозорларда нима бор эди? Бугун бир айланиб кўринг-а, товарнинг кўплиги, ранг-баранглигидан кўзингиз қамашади. Ўзбекистон автомобил чиқарадиган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Ўзимизни ўзимиз дон, нефт билан таъминламоқдамиз. Эътибор бераяпсизми, шаҳару қишлоқларимизда, хусусан, Тошкент кўчаларида енгил машиналар кескин кўпайди. Бу нимадан далолат беради? Халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошаётганига мисол эмасми? Айниқса, ўзимизнинг «Нексия», «Тико», «Дамас»ларимиз кўзни қувонтиради, дилингда ғурур, фахр туйғусини кучайтиради.

Ўтган йили Қоҳирада бўлган халқаро конференцияда қатнашдим. Анжуманнинг ялпи мажлисида сўз олиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб бердим. Ростини айтганда, конференция иштирокчилари лол қолишди. Чунки уларнинг кўпчилиги Ўзбекистондаги мислсиз бунёдкорлик ишларидан тўла хабардор эмаскан-да. Бу ҳолдан мен яна-да ғурурланиб, тўлқинланиб кетдим. Муҳим жойи шундаки, МДҲ давлатларидан борган бошқа ҳамкасбларимиз жим ўтиришди. Ахир одамнинг мақтаниши, фахрланиши учун ҳам асос керакда. Шукроналар бўлсинки, биз ўзбеклар ўтмишимиз билан ҳам, бугунимиз билан ҳам ҳар қанча мақтансак (ўрни келганда бироз мақтаниб қўйсак ҳам зарар қилмайди), ғурурлансак арзийди. Насиб этса, келажагимиз бундан-да нурли, мақтанарли бўлажак.

Мамлакатимизда маънавиятга, қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам ғурурингга ғурур қўшади. Бу масалада юртбошимизнинг ўзлари ташаббускор бўлаётганлари ва бу соҳа доимо у кишининг диққат марказида тургани янада қувонарлидир. Сўнгги пайтларда бу борада бир неча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. «Ўзбеккино» компанияси, «Маърифат ва маънавият» маркази фаолияти ҳақидаги, «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбектеатр» бирлашмалари, Бадиий академия ташкил этиш ҳақидаги фармон ва қарорлар шулар жумласидандир. Мен бу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармонини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Таъбир жоиз бўлса, бу фармон мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим бурилиш ясашга қодир ҳужжат бўлди. Чунки бундай академия тузиш учун бизда барча асослар мавжуд бўлиб, шўро даврида бунга беписандлик билан қараб келинди. Ўлкамизда нафис санъат қадим-қадимдан кенг ривожланган, унинг намояндалари номи оламга таралган. Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қазилмалар, у ерлардан топилган ноёб санъат асарлари, буюк аждодларимиз яратган китоблардан бизгача етиб келган миниатюраларнинг ўзи ҳам бунга асос бўла олади. Камолиддин Беҳзоднинг номи, яратган нафис асарлари шарқу ғарбда машҳурдир. Шу боис янги ташкил этилган миллий рассомлик ва дизайн институтига Беҳзод номининг берилиши ҳам айни муддао бўлди.

Бадиий академия дунё бўйича саноқли мамлакатлардагина мавжуд. Мустақиллигимизнинг олтинчи йилидаёқ бундай академияга эга бўлишимиз мисли кўрилмаган улкан воқеадир. Бинобарин, бизда нафис санъатнинг не-не турлари, шакллари бор. Халқ амалий санъати ва ҳунармандлигининг ўзи қанча турларга бўлинади. Бундан ташқари, деворий суратлар, ҳайкалтарошлик, миниатюра санъатининг тарихи ғоят узоқдир. Сўнгги асрларда тасвирий санъатнинг бир қанча жанрларида қанча-қанча бақувват асарлар яратилди, бир қанча етук санъаткорлар бўй кўрсатди. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнатига яраша қадр топдими? Энг асосийси — бу асарларда миллийлик, миллий руҳ, миллий колорит нечоғлик акс этган эди? Кўпгина ижодкорларимиз ўзлари истаб-истамай миллийликдан чекинган эдилар. Бошқа илож ҳам йўқ эди-да. Том маънодаги миллий ижодкор ёхуд миллий асарнинг пешонаси ярқираши қийин эди. Ҳатто бирон бир ижодкор ёки асар хусусида «чинакам миллий санъаткор, миллий асар» деб айтиш ёнинки ёзиш ҳам осон эмасди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнггина бу гапларни эмин-эркин айтиб, ёзадиган бўлдик. Бундай ижодкорлар қадр топа бошлади. Юқорида эслатганимиз фармондаги қуйидаги жумлаларга эътибор беринг: «Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш...» Бу фикрлар юракни тўлқинлантириб юборади, айни чоқда нафис санъат ижодкорлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу соҳада эришилган ютуқларни тақдирлаш мақсадида Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофоти таъсис этилгани эса нур устига нурдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳамма соҳада ўзимизга мос йўл танлаб олинди. Биз жаҳон тажрибасидан ўрганяпмиз, мутараққий давлатлар билан ҳамкорлик қиляпмиз, аммо ҳеч кимга эргашганимиз йўқ. Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада ўз йўлимиздан бормоқдамиз. Бу иқтисодда ҳам, сиёсатда ҳам, ишлаб чиқаришу маънавиятда ҳам ўз аксини топаётир. Ҳатто бунёд этилаётган биноларнинг безакларига қандай ранглар ишлатилишигача аҳамият берилаётир. Буюк бобокалонларимиз ўз иншоотларида қанақа рангларни кўпроқ ишлатганлар? Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларимиздаги тарихий обидаларга эътибор беринг-а. Энди Тошкентда қад ростлаган Темурийлар тарихи давлати музейида ҳам, асосан, мовий, яшил ва оқ ранг ишлатилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлагим келади. Мазкур музей бунёд этилаётганида юртбошимиз бир неча марта ташриф буюриб, қурилиш жараёни билан атрофлича танишган, керакли маслаҳатлар берган эдилар. Ўшанда бошқа соҳалар қаторида музей безаклари учун ишлатиладиган рангларга ҳам алоҳида эътиборни қаратган ва Темур бобомиз раҳнамолигида бунёд бўлган биноларга ишлатилган ранглардан фойдаланишни тавсия қилгандилар. Булар, табиийки, яшил, мовий ва оқ ранглардир. Бинобарин, маълум маънода ранг ҳам халқнинг табиатини, феъл-атворини акс эттиради. Қолаверса, ҳар хил ранг одамга ҳар хил таъсир этади. Дейлик, мовий, яшил ранг кўзга ором беради, асабни тинчлантиради. Қизил эса, аксинча, кўзғатувчи, кўзни толиқтирувчи рангдир. (Испанияда корридо деган ўйин бор. Ўша ўйинда ҳам буқаларга айнан қизил рангдаги мато тутилади). Демак, мовий, яшил ранг халқимизнинг вазмин, босиқ, етти ўлчаб бир кесадиган феълини ифодаласа, оқ ранг халқимиз кўнглининг ифодасидир. Байроғимизда ҳам, асосан, шу уч рангдан фойдаланганлиги бежиз эмас.

Бадиий академия, миллий тасвирий ва дизайн институти тузилганлиги ҳам ранглар билан ишлашни янада такомиллаштиришга ишонаман. Очиғини айтганда бизда дизайн масалаларига кўп ҳам эътибор берилавермас, дизайн санъати йўқ даражада эди. Аслини олганда, шўро замонида дизайн у ёқда турсин, борига шукур қилар эдик-да. Эндиликда халқимиз дунёни кўрмоқда. Яшаётган уйи — майли у кичик ёки катта бўлсин — дид билан безатилишини истайди. Бу уйдаги гилами мебели рангига ёхуд деразанинг пардаси девори рангига мос бўлсин дегани-да. Ҳаттоки, кийинишда ҳам бу нарса ўз ифодасини топади, қанақа костюм билан қанақа рангдаги галстук тақиш ҳам одамнинг дидига боғлиқ. Бу ҳам қайсидир даражада дизайн деганидир. Умуман, санъатнинг бу турини ривожлантиришга катта эътибор бериш, малакали кадрлар тайёрлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бугун жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан борди-келди қилаётган эканмиз, ҳар бир ишдан юриш туришу, кийинишда ҳам дид, фаросат билан иш кўрмоғимиз лозим.

Ўлкамизда баҳор айёми. Халқимиз Оила йили баҳорини бунёдкорлик меҳнати билан шарафламоқда. Зеро, оила манфаатини ўйлаб, айнан шу йўлда меҳнат қилиш ҳар бир инсофли, диёнатли одамга завқ беради. Бинобарин, ер ости ва усти бойликларига тўла, заҳматкаш халқи бор юртда яшаш ва ишлаш бахтдир. Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

# СОҲИБҚИРОН АДОЛАТИ

**Боши биринчи бетда**

Биринчидан, Амир Темур салтанати туркий халқларнинг жанговар, яратувчан, энди камол топиб келаётган маданиятига таянди. Амир Темур эса саркарда, давлат арбоби ва ислоҳотчи сифатида бу жараён учун барча заминларни яратди. Можор тарихчиси Г. Вамбери бу ҳақда шундай ёзган эди: «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги сулолани ва балким кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди». Шунга яқин фикрни буюк араб тарихчиси ва социолог Ибн Холдун ҳам билдирган эди. Маълумки, Ибн Холдун мўътадил иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолига қараганда катта ҳудудлар бўйлаб кўчиб юрадиган ва янги территорияларни ўзлаштириб, унга маданият олиб келадиган халқларни тарихнинг фаол кўчи деб ҳисоблаган. Баъзи тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Ибн Холдун Амир Темур билан учрашган ва у билан суҳбатда бўлган. Назаримда, Ибн Холдун Амир Темур фаолиятида ўз назариясининг исботини кўрган бўлса керак. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, Ибн Холдуннинг фикрларини давом эттириб, немис файласуфи Гегел ўзининг «Тарих фалсафаси» китобида ҳар бир халқнинг тарих саҳнига чиқадиган вақти ва тарихий вазифаси бўлади деган фикрни билдирган эди. Лекин шуниси аниқки, бу вазифа у ёки бу халқнинг яратувчанлик салоҳиятига, янги маданият барпо эта билишига боғлиқ. Амир Темур буюк давлати айнан шу омилга асосланган эди.

Иккинчидан, Амир Темур салтанатни бошқаришда қатъий қоидаларга амал қилди. Бу қоидалар Амир Темурдан олдинги турк ва жаҳон тажрибасига асосланган бўлса-да, Соҳибқирон уларни янада бойитди.

Амир Темур давлат бошқарувида қатъий қоидаларга асосланди.

**Қонунийлик қоидаси.** Амир Темур оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан эзилаётганлигини ва бу каби адолатсизликни бартараф этишга, шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирлар кўришга биринчи даражали эътибор берган. У давлат томонидан куч ишлатиш масаласига ҳам жиддий ёндошган. Жумладан, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва маслаҳат билан, қолган бир улуши эса куч ишлатиб бажарилиши мумкинлигини таъкидлайди.

**Мамлакат хавфсизлиги қоидаси.** Амир Темур ўзининг буюк давлати ҳудудларида хавфсизликка катта эътибор берганлигини яхши биламиз. Бу аҳолининг яратувчанлик фаолиятини таъминлаш учун зарур эди. Амир Темурнинг махсус фармонларига биноан аҳолини ва экинзорларни қўриқлаш учун қурчилар тайинланганлиги фикримизга далил бўла олади.

**Таянч мафкура.** Амир Темур улкан давлатни қўрқувда эмас, ишонч билан мустаҳкамлаган. Давлат арбоби сифатида у мафкуранинг кучини тўғри баҳолай олган. Шу ўринда у давлатнинг таянч мафкурасига эҳтиёж сезган. Албатта, ўрта асрлар шароитида таянч мафкура ролини ислом дини ўйнаган. Лекин Амир Темур ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланмасдан (афсуски исломни сохталаштириш ҳозирда ҳам учрайди), балки кофир ва залолатдаги юртларни ва халқларни ҳақ йўлга, тараққиёт сари бошлаш учун ғоявий далил ҳисоблаган. Шунинг учун у барча фатҳ этилган ва этилмаган мамлакатлардаги дин пешволарига, авлиёларга ҳурмат-эҳтиром бажо келтирган.

**Рағбатлантириш қоидаси.** Амир Темур барча соҳаларда — қўшин тутишдан тортиб то санъат соҳасигача жонкуяр, ҳалол ва меҳнаткаш кимсаларни рағбатлантириш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, қўллаб-қувватлашни жорий этган. Бу эса баъзи мутахассислар таъкидлаганидек, ўрта асрларда шарқ мамлакатларида оддий меҳнаткаш халқ алоҳида шахслар фаолиятининг қуруқ воситасига айлантирилганлигига эмас, балки оммавий яратувчанлик фаолиятига жалб этилганлигига далил бўлувчи ҳолатдир.

**Халқ фаровонлиги ва ижтимоий муҳофаза қоидаси.** Амир Темур ўз давлатида бунёдкорлик фаолиятини йўлга қўйган. Зоҳидлик, боқимандалик каби ҳолатларга кескин зарба берилган. Амир Темурнинг махсус фармони билан ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берилган. Шу йўл билан унинг даврида гадолик статуси йўқотилган. Йўловчилар ғафлат босиб молларини ўғирлатиб қўймасликлари учун махсус йўл соқчиларига вазифа юклатилган. Ҳар бир катта-кичик шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса бино этилганлиги, фақиру мискинлар учун шифохоналар барпо этилганлиги ва уларда малакали табиблар тайинланганлигининг ўзи халқнинг фаровон турмушидан далолат беради.

«Менинг мақсадим — деб ёзган эди Амир Темур, — мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир».

Амир Темур даврида ободончиликка алоҳида эътибор берилганлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, обод қилиш махсус давлат органларига топширилган, ерни обод қилишга қурби етган деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам уюштирилган. Сармоясидан ажраган савдогарлар, ускуналари йўқ ҳунармандлар ҳам ёрдамдан четда қолмаган.

**Жамоатчилик фикри асосида сиёсат юритиш.** Давлат мафкурасини ва унинг амал қилиш услубиятини яратишда Соҳибқирон ҳадислар ва шариат билан бир пайтда XIV асрда Мовароуннаҳрда кучли илдиз отган суфизм ақидаси, Нақшбандийлик тариқати йўл-йўриқларига таянган узоқ суҳбатлашиб, ўша куниёқ ишга қабул қилдилар.

1991 йил «Адл Тановар» қўшиғини ижро этиб, республика мақомчилар конкурсининг лауреати бўлдим.

Мақом қўшиқларини маҳорат билан ижро этганим учун ҳам домланинг унга меҳрлари бўлакча эди. «Бу қизимизда овоз ҳам, истеъдод ҳам, изланиш ҳам бор, — деб айтгандилар Шаҳнозанинг ижодига бағишланган кўрсатувлардан бирида. — Ансамблда бундай қизлар афсуски, жуда кам...».

**Мен сизни жон ичра**
**жон деб суюбман,**
**Сизга, ёлғизимга бино**
**қўйибман.**
**Мен сизни аябман**
**ёмғирдан, қордан,**
**Бемаҳал шамолдан,**
**ранжу озордан.**

Шаҳноза Исмоилова Ойдин Ҳожиева битган ушбу мисраларни, жондан азиз кишисидан озорлар чека туриб ҳам, у одамга озгина озор бергиси йўқлигини шу қадар назокат билан куйлайдики, беихтиёр қўшиқ оламига сезиб-сезмай кириб кетгандай бўласиз.

...Шаҳноза бу юрагининг бир четини армон тўлдириб яшаётган, бахти кемтик аёлнинг аччиқ иқрорларини қўшиқ қилиб айтганида, ҳали армон нималигини хаёлига келтирмаган, табассумдан бошқани билмайдиган қизгина эди. Эҳтимол, унинг қалб ҳарорати қўшилдими, қўшиқ муваффақиятли чиқди. Шаҳнозани элга танитди.

Хонанда қачон қўшиқни «ўзиники» қилиб куйлайди? Айтаётган қўшиғидаги туйғуларни ўз бошидан кечира билгандами? София Ротару қўшиқларини тинглаганингда, у аёлнинг сўзларида ёлғон йўқ, у бор нарсаларни куйлаяпти, деб ўйлаб қоласан. Патрисия Кааснинг қўшиқларини сўзма-сўз тушунмасанг-да, бу — денгиздай сокин, қудратли овоз соҳибаси — ниҳоятда иродали аёл, фақат кучли аёлгина шундай куйлайди, деб ишонгинг келади...

Лекин ҳаётда аёлнинг ўт бўлиб яшаши учун ҳамиша фурсат бор.

— Турмуш ўртоғим Эркин ака билан институтда бирга ўқиганмиз, дейди. «Шаҳноза, бир оилага бир санъаткор етади. Санъатга мендан кўра сиз ярашасиз», — дедилар. Лекин ҳар бир қўшиғим то шеъри ёзилиб, унга мусиқа танланиб, ижро этилгунча, ёнимда ҳамфикр, ҳамнафаслар. Қўшиқларимнинг биринчи тингловчиси ҳам, биринчи танқидчиси ҳам — турмуш ўртоғим. Бу ёғи — оила. Бир қиз, бир ўғилни катта қиляпмиз».

Шаҳноза фарзандлари тарбияси билан уйда ўтирганида шуни англадики, аёл бахти жуда машаққатли. Дунёда севги, ишқ, вафо билан бир қаторда бевафолик ҳам бор. Шунинг учун унга ёш шоира Феруза қаламига мансуб «Бегим» шеърини кўрсатганларида, юраги орзиқиб кетди. «Бу шеърни қўлимга олдиму юрагим «шу қўшиқни айтишинг керак» деяётгандек бўлаверди», — дейди хонанда.

# ҚЎШИҚ — БУ АСЛИ ИҚРОР...

*Нигоҳ*

Шаҳнозанинг табиатидаги самимият унинг қўшиқларига ҳам кўчган. У жуда самимий куйлайди. Шунданми, у куйлаганида, ички гўзаллиги ўзига тортадиган оддий аёл сиймосини кўз ўнгингизда чизади.

— Шифокор ота-онам «Катта бўлса, қизимиз ҳам изимиздан боради», деб ният қилишарди, — деб ҳикоя қилади у. — Ўзим ҳам «Врач бўламан», деб юрардиму, негадир кўнглим кўпроқ қўшиққа мойил эди. Мактабда ўқиб юрганимда, Меҳри Бекжонова қўшиқларини жон-дилимдан яхши кўриб тинглардим.

Худога шукур, оиламиздагилар менинг ҳавасларим енгил-елпи эмаслигини тушунишди. 1985 йили Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг мусиқали драма факултетига ўқишга кирдим.

Бир куни институт саҳнасида қўшиқ айтаётганимни кўрган таниқли созанда Темур Маҳмудов менга дуторчилар ансамблига бориб ишлашни маслаҳат бердилар. Эртасига устоз Ғанижон Тошматовнинг олдиларига бордим. Улар мен бирини ёқтирдилар.

1991 йил «Адл Тановар» қўшиғини ижро этиб, республика мақомчилар конкурсининг лауреати бўлдим.

Мақом қўшиқларини маҳорат билан ижро этганим учун ҳам домланинг унга меҳрлари бўлакча эди. «Бу қизимизда овоз ҳам, истеъдод ҳам, изланиш ҳам бор, — деб айтгандилар Шаҳнозанинг ижодига бағишланган кўрсатувлардан бирида. — Ансамблда бундай қизлар афсуски, жуда кам...».

**Мен сизни жон ичра**
**жон деб суюбман,**
**Сизга, ёлғизимга бино**
**қўйибман.**
**Мен сизни аябман**
**ёмғирдан, қордан,**
**Бемаҳал шамолдан,**
**ранжу озордан.**

Шаҳноза Исмоилова Ойдин Ҳожиева битган ушбу мисраларни, жондан азиз кишисидан озорлар чека туриб ҳам, у одамга озгина озор бергиси йўқлигини шу қадар назокат билан куйлайдики, беихтиёр қўшиқ оламига сезиб-сезмай кириб кетгандай бўласиз.

...Шаҳноза бу юрагининг бир четини армон тўлдириб яшаётган, бахти кемтик аёлнинг аччиқ иқрорларини қўшиқ қилиб айтганида, ҳали армон нималигини хаёлига келтирмаган, табассумдан бошқани билмайдиган қизгина эди. Эҳтимол, унинг қалб ҳарорати қўшилдими, қўшиқ муваффақиятли чиқди. Шаҳнозани элга танитди.

Хонанда қачон қўшиқни «ўзиники» қилиб куйлайди? Айтаётган қўшиғидаги туйғуларни ўз бошидан кечира билгандами? София Ротару қўшиқларини тинглаганингда, у аёлнинг сўзларида ёлғон йўқ, у бор нарсаларни куйлаяпти, деб ўйлаб қоласан. Патрисия Кааснинг қўшиқларини сўзма-сўз тушунмасанг-да, бу — денгиздай сокин, қудратли овоз соҳибаси — ниҳоятда иродали аёл, фақат кучли аёлгина шундай куйлайди, деб ишонгинг келади...

Лекин ҳаётда аёлнинг ўт бўлиб яшаши учун ҳамиша фурсат бор.

— Турмуш ўртоғим Эркин ака билан институтда бирга ўқиганмиз, дейди. «Шаҳноза, бир оилага бир санъаткор етади. Санъатга мендан кўра сиз ярашасиз», — дедилар. Лекин ҳар бир қўшиғим то шеъри ёзилиб, унга мусиқа танланиб, ижро этилгунча, ёнимда ҳамфикр, ҳамнафаслар. Қўшиқларимнинг биринчи тингловчиси ҳам, биринчи танқидчиси ҳам — турмуш ўртоғим. Бу ёғи — оила. Бир қиз, бир ўғилни катта қиляпмиз».

Шаҳноза фарзандлари тарбияси билан уйда ўтирганида шуни англадики, аёл бахти жуда машаққатли. Дунёда севги, ишқ, вафо билан бир қаторда бевафолик ҳам бор. Шунинг учун унга ёш шоира Феруза қаламига мансуб «Бегим» шеърини кўрсатганларида, юраги орзиқиб кетди. «Бу шеърни қўлимга олдиму юрагим «шу қўшиқни айтишинг керак» деяётгандек бўлаверди», — дейди хонанда.

**Бегим, сўзлар рост**
**бўлса агар, хиёнаткор**
**бўлибсизми?**
**Ўз ёрингиз ўрнига сиз**
**ўзга ёрни**
**қўйибсизми?**
**Аввалига яхши эдик,**
**энди ёмон бўлибмизми?..**

Аслида қўшиқ — бевафолик ҳақида. «Бегим» деб сиғинаётган ёр севгига хиёнат қилган — бошқа бир гўзалнинг этагини тутган. Ишқ изтиробини мардона енгган аёлнинг нолаларини Шаҳноза шу қадар маромига етказиб ижро этдики, қўшиқни қайта-қайта тинглагингиз келаверади...

Шаҳноза билан хайрлашаётиб, ундан:

— Армонингиз борми? — деб сўрадим.

— Армон... Йўқ, десам ҳам бўларди-ю... Ахир оилам тинч, фарзандларим бор, турмуш ўртоғим билан бир-биримизни тушуниб яшаяпмиз. Қўшиқларим билан тез-тез ойнаи жаҳонда ҳам қатнашиб турибман.

Орзуларим кўп. Лекин уларнинг рўёбга чиқиши осон эмас. Ишлаш, изланиш керак. Чўкиб қолишдан қўрқаман...

Шаҳнозахон қўрқмаса ҳам бўлади, чунки санъатга дилдан меҳр қўйган одам ҳеч қачон уни юрагидан чиқариб ташлолмайди.

**Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА**

# ТУРОН ЯККАКУРАШИ

**Боши биринчи бетда**

Барча миллий қадриятларимиз қайта юз очаётган бугунги кунда бундай яккакураш усули ҳам оммалашиб бормоқда. Хусусан, «каратэ», «айкидо», «дзюдо», «таэквондо», «самбо» каби кураш усуллари бўлмаган бир пайтда туғилган туронча курашда бу усуллардаги кўпгина жиҳатлар ҳам мужассам эди. Шунинг учун у эндиликда ана шу беллашувларда моҳирона бажариладиган усулларни ҳам ўзида мужассамлантирган ҳолда «Турон кураши» номи билан спорт мусобақаларидан муносиб жой олмоқда. Унинг ўзига хос шартлари ва низоми мавжуд бўлиб, қашқадарёлик уста полвонлар илк марта ўтказилаётган бу мусобақага катта тайёргарлик кўрдилар. Барча туманларнинг спорт жамоалари юқорида айтиб ўтилган спорт турлари бўйича энг моҳир ўйинчилар, уста полвонларни «Турон яккакураши»га таклиф этди.

Шуни айтиш керакки, жуда кўплаб спорт турларини ўзида мужассамлантиргани учун бу мусобақа янада оммавий тус олиб кетди. Унда ўндан ортиқ туман ва шаҳарлардан уч юздан ортиқ спортчи қатнашди. Амир Темур бобомизнинг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабзда ўтказилган халқаро полвонлар турнири ғолиби, «Нексия» машинаси билан тақдирланган Баҳром Авазов, бир неча халқаро мусобақалар ғолиби Чори Баратов сингари эл суйган моҳир полвонларнинг иштироки «Турон яккакураши» мусобақасига ўзига хос файз бағишлади. Беллашувга «самбо» ва «дзюдо» кураши бўйича спорт устаси, таниқли полвон Исроил Тўхтамишев бош ҳакамлик қилди.

Мусобақа Қарши темир йўл бўлимининг спорт-соғломлаштириш қароргоҳида бўлиб ўтди. Вилоят рассомлари ва ўймакор усталари ижодига мансуб асарлар байрамона кайфият бағишлади.

Беллашувлар вазн тоифалари бўйича олиб борилди. Икки кун давомидаги қизғин олишувларда «Турон яккакураши» бўйича энг моҳир полвонларнинг номлари маълум бўлди. Қарши темир йўл спорт клуби жамоасидан Дилшод Баҳринов мусобақанинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Чироқчилик Раҳим Бўриев иккинчи ўринни, Қарши шаҳридаги «дзю-до» клубидан А. Дарвешов учинчи ўринни эгалладилар. Турли вазнлар бўйича ўтказилган беллашувларда Ботир Боймуродов, Чори Баратов, Аъзам Холмуродов, Эркин Раҳмонов, Баҳром Саидов ва бошқалар пешқадам бўлдилар. Ғолиблар турли қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

Баҳс

*Абдурашид АБДУҒАФУРОВ*

# «НУҚТА ЛАБ УСТИДА БЕЖОДУР...»

*Матншунослик — кўп қиррали ижодий жараён*

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси» матншунослик муаммоларига доимо жиддий эътибор бериб келган, десак асло хато бўлмайди. Бундан бир неча йиллар аввал худди шу газета саҳифаларида илмий мунозара очилиб, бир қанча йирик мутахассисларнинг мақола ва таклифтавсиялари эълон қилинган эди. Газета таҳририятининг назарий ва таъкидлаш лозимки, бевосита амалий аҳамиятга эга бўлган бу масалага яна қайтиши, сўзсиз таҳсинга лойиқ. Матншунослик чиндан ҳам адабиётшунослик фанининг пойдевори бўлиши керак. Аслиятга тўла мувофиқ ва ҳар жиҳатдан мукаммал матнсиз адабий асарларнинг холис ва илмий-назарий асосланган таҳлили бўлиши мумкин эмас, деган хулоса шубҳасиз ҳақиқат.

Умуман матншуносликнинг ҳозирги ҳолати бўйича айтилаётган танқидий фикрларда жиддий асос бор. Бу соҳадаги нуқсону камчиликлар, хусусан, ўтмиш бадиий адабиёт намуналарини жорий имлода нашрга тайёрлаш ва чоп эттиришда кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаблари шу соҳа бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги, бирор олий ўқув юртида матншуносларнинг йиллар давомида тайёрланмаётгани ва демак, мавжуд «бўшлиқ»нинг баъзан тасодифий шахслар томонидан тўлдирилганидандир.

Афсуски, бу борада тузилган яхши режа ва тавсияномалар ҳаракатсиз қолиб кетди, бирор жиддий ўзгариш бўлмади. Шу боисдан ҳам, бош адабиёт газетамизнинг, тўла манфаатдор тараф сифатида, эзгу ниятлар билан бошлаган янги ташаббуси матншунослик тараққиётига зарурий туртки бўлади. Баҳсни бошлаб берган Ваҳоб Раҳмоновнинг «Адабий идрок тантанаси» («ЎзАС», 1998 йил, 23 январ сони) ва Иброҳим Ҳаққулнинг унга жавобан ёзган «Санамай саккиз» демайлик...» (20 феврал сони) мақолаларида Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» нашрида асосан айрим сўз ва мисралар ўқилиши ва ёзилишига, шунингдек, баъзи ҳикматлар кимнинг қаламига мансублигига оид мулоҳазалар баён этилган. Муаллифларнинг матнни нашрга тайёрлашда ҳар бир сўзга жиддий эътибор бериш ва аслига мувофиқ кўчириш лозимлиги ҳақидаги қайғуришларига тамомила қўшилиш мумкин. Лекин матншуносликни фақат аслиятни тўғри ўқиш ва жорий алифбода бехато кўчириш билан, ва демак, бошқача айтганда, оддий ноширлик фаолияти билан чеклаш, бизнингча, жуда катта мураккаб масалани ниҳоятда торайтириш хавфини туғдиради, кўпқиррали ижодий жараённи соддалаштириб юборади. Чиндан ҳам, матншунослик, тўғри ўқиш ва аслиятга мувофиқ кўчиришдан ташқари:

— нашр учун энг эътиборли матн қўлёзмасини танлай билиш ва ишончли манбаларга асосланиш;

— асарларнинг зоҳирий ва ботиний белгиларини, руҳи ва оҳангини тўла идрок этиш;

— муаллиф яшаган давр тил ва талаффуз хусусиятларини назарда тутиш;

— асарда қўлланган турли-туман бадиий санъатларнинг маъзи ва шаклини оча билиш;

— муаллиф услубини сақлаш, матндаги рамзларга, очиқ-яширин киноя, кесатиқ, истеҳзо ва имо-ишораларга диққат қилиш;

— насрда сажъ, шеъриятда эса вазн, қофия, радиф, туроқ каби назарий жиҳатдан асрлар давомида қатъийлашган мезонларга эътибор бериш ва ҳоказо жараёнларни қамраб олади.

Худди шунинг учун ҳам баҳс доирасини кенгайтириш ва матншуносликнинг биз санаган ва санамаган қирралари бўйича ҳам сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода қуйида ҳозирги матншуносликда кўзга ташланган баъзи камчиликлар хусусида мулоҳазаларимизни баён этишга аҳд қилдик.

Мисолларни Алишер Навоийнинг ҳали якунланмаган «Мукаммал асарлар тўплами» нашри таркибидаги «Ҳазойин ул-маоний» мажмуаси девонларидан олдик. Аммо қайд этиладиган қусурлар умуман матншуносликнинг ҳозирги ҳолатига мувофиқ бўлиб, ўтмиш шеъриятимизнинг кўпчилик нашрлари учун ҳам хос дейишга етарли асослар бор.

### МАЪЛУМ «ТОПИЛДИҚЛАР»

Жорий матншунослигимизнинг ноетук даражасини кўрсатувчи белгилардан бири аслида илмда маълум бўлган, ҳатто бундан 30—40 йил илгари нашр этилган асарларнинг жар солиб кашфиёт, топилдиқ дея қайта нашр эттириш каби ачинарли мисолларда кўзга ташланади. Масалан, Зокиржон Фурқатнинг «Қаён қолди» («Худоёрхон ҳақида учинчи қўшик») радифли катта ҳажмли мухаммаси ва Муқимийнинг «Ҳажви Бектурбой» асари илмда янгилик сифатида матбуотимизда катта даъво билан эълон этилди. Ваҳоланки, бу асарлар илгари чоп қилинган ва ҳатто илмий таҳлил доирасига тортилган.

Худди шундай ҳолатни «Боқий сатрлар» туркумида 1995 йили нашр этилган «Айёми висол ўлди яна» рисоласида ҳам кўрамиз. Унда Алишер Навоийнинг **«Янги топилган ғазаллари»** деб ўқувчиларга тақдим этилган олтмиш икки ғазалдан ўн тўққизтаси, шунингдек, рисоладаги иккала рубоий, саккиз қитъа ва тўрт фарднинг барчаси профессор Ҳамид Сулаймоннинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ эллигинчи йиллардаёқ аниқланган ва илк бор «Ҳазойин ул-маоний» мажмуасининг тўртинчи девони «Фавойид ул-кибар»га (Тошкент, 1960, 773—794-бетлар) илова тарзида нашр этилган. Кейинчалик худди шу асарлар Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» (Тошкент, 1987) жилдлари таркибидан ҳам ўрин олган. Бу маълум шеърларнинг чиндан ҳам **биринчи марта эълон қилинаётган ва тўла маънода кашфиёт-топилдиқ** бўлган асарлар қаторида (учинчи бор!) чоп этилиши кишини ажаблантиради. Таъкидлаш лозимки, гап Навоий ғазалларининг қайта-қайта нашр этилиши устида эмас, балки учинчи бор чоп қилинаётган ғазалларнинг «Янги топилган ғазаллар» рукни остида китобхонга тақдим этилаётгани ҳақида бормоқда.

Ўрни келганда сўз юритилаётган нашрдаги яна бир қусурни қайд этиб ўтайлик. Ҳажман кичик бу китобчада ноширнинг эътиборсизлиги туфайли:

**Басе, дард бердингу даво қилмадинг,**
**Ғаму ранжим англаб шифо қилмадинг**

ва:

**Жонима тиғи жафо ағёр урди, ёр ҳам,**
**Чун мен ўлдум не осиғ раҳм этса ёр,**
**ағёр ҳам —**

матлали ғазаллар, айрим ҳарфий фарқлар билан, 27 ва 33 ҳамда 35 ва 57-саҳифаларда такроран чоп қилинган.

### ДЎСТДАН «ДЎСТ»НИ ФАРҚЛАШ ЗАРУРАТИ

Матнни нашрга тайёрлашдаги нуқсонлардан бири лирик «мен» нутқининг иккинчи ёки учинчи шахс нутқидан фарқламай, жорий тил қоидаларини бузиб кўчиришда кўзга кўп ташланади. Бу фарқ эса оддий тиниш белгиларининг матнда ўринли қўлланилиши билан ифодаланади.

Юзаки қараганда аҳамиятсиздек кўринувчи тегишли тиниш белгилари ўз ўрнида қўйилмас экан, ижодкор услуби бузилади, ғализлик юзага келиб, мазмун хиралашади, кўп ҳолларда бадиийликка жиддий зиён етади ҳамда муаллиф кузатган ғояният юзага тўла чиқмайди.

Қуйидаги мисоллар воситасида оддий тиниш белгиларининг матнда тутган катта маъновий вазифасига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг олтинчи жилдида (1990) «Фавойид ул-кибар» девони ўрин олган. Ундаги ғазаллардан бирида (403-бет) мана бу мисраларни ўқиймиз:

**Арз этсалқарки, ёр керак ё ики жаҳон,**
**Ёр айтқумдурур бери, икки жаҳон нари.**

Биз айнан кўчирган бу байтда матншунослигимизга хос бир неча нуқсонларни қайд этиш мумкин. Аввало «икки» сўзининг икки мисрада икки хил ёзилишини на вазн ва на қофия тақозоси билан оқлаш мумкин. Иккинчидан, зарурий белгиларнинг йўқлиги «улар» билан лирик «мен» ўртасидаги савол-жавобнинг тегишинча ифода этилмаслигига олиб келган. Оқибат-натижада мисраларга юкланган сурват, улардаги савол ва хитоб оҳанглари батамом йўқолган ва бу ҳол, ўз навбатида, ғўзал мазмуннинг хиралашувига олиб келган. Навоийнинг катта бадиий санъати, ихчам мисраларда чуқур мазмунни ифодалаш маҳорати байтни фақат қуйидагича ёзгандагина бутун латофати билан юзага чиқади:

**Арз этсаларки: «Ёр керак ё икки жаҳон?»**
**«Ёр! — айтқумдурур — бери! Икки жаҳон нари!»**

Бу каби мисолларни «Ҳазойин ул-маоний» девонлари нашрларида яна кўплаб келтириш мумкинлигини таъкидлаш билан чекланамиз.

Тиниш белгиларининг тегишли ўринларда қўйилмаслиги матнда қанчалик салбий оқибатларга олиб келса, нотўғри ишлатилган белгилар ҳам мазмунга шунчалик зиён етказишини таъкидлаш лозим. Баъзан эса, ўринсиз қўйилган биртирноқ (вергул) ижодкор ғоясининг батамом тескари талқин этилишига олиб келиши мумкин. Қуйидаги мисол бу фикрга ёрқин далил бўла олади. Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг тўртинчи жилдидан ўрин олган «Наводир уш-шабоб» девонидаги ғазаллардан бирининг бошланма байти шундай терилган:

**Менки ҳар дам, дўстлар, бедод этардин зор эсам,**
**Дўстлар айб этмасунлар душманимға ёр эсам.**

Матндаги жиддий хато биринчи мисрадаги «дўстлар» сўзининг икки тарафдан биртирноқ (вергул) билан ажратилишидан юзага чиқади. Қалбаки «дўстлар» зулмидан шикоят мазмунида бўлган мисра шу ортиқча белгилар туфайли чин дўстларга хитоб, мурожаат руҳини олган ва мазмунни батамом бузган. Иккинчи мисрадаги «дўстлар»дан фарқли ўлароқ, биринчи мисрадаги «дўстлар» аччиқ кесатиқнинг худди ўзи бўлиб, риёкор, ёлғончи шахсларга ишора этади ва шу боис, матнда у қўштирноқ ичида берилиши маъқул. Навоий ғазалнинг мана бу кейинги байтларда ҳам ана шундай мунофиқ, аслида ич-ичидан душман «дўстлар» ҳақида нафрат билан сўз юритади, бундай риёкорлардан душман афзалдир, деб киноя қилади:

**Жон фидо қилсам қилур «ДЎСТЛАР» душманлиғим,**
**Не ажаб гар «ДЎСТЛУҚ» ойинидин безор эсам,**

**«ДЎСТЛАР»ға қилмангиз таклиф, эй душманларим,**
**Заъфдин оғизға сув томизғудек бемор эсам.**

**Ёғдурурлар тош-қотиқ сўзлар билан, вах, не ажаб,**
**Сангсор ўлғон киби боштин-аёғ афгор эсам.**

**Душманим жон олса хуштур, «дўст» миннат қўйса — йўқ,**
**Не ажаб, душмандин, ар, жон бирла миннатдор эсам.**

Қатор асарларида чин дўстлик ва самимий муносабатларни улуғлаган шоир бу ғазалида ўзини «дўст» тутиб, душманлик билан жавру жафо қилувчи мунофиқ шахслар риёкорлиги ҳақида куюниб сўз юритади. Шу боис, келтирилган байтларда чин дўстни «дўст»дан фарқлаб, тегишли белгилар билан ёзиш шарт кўринади. Фақат шундагина ўқувчи ғазалхон шоирнинг аччиқ кесатиғини, киноя ва куюнчини тўғри идрок этади.

### ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛГАН ТУЗАТИШЛАР

Мантиқ матннинг нашрдан нашрга тузатилиб, мукаммаллаштирилиб бориш лозимлигини тақозо этади. Эски чалкашлик, сўзларни нотўғри ўқиш ва ифодалаш, равшанки, кейинги нашрларда такрорланмаслиги керак, Афсуски, амалда шундай бўлмаётир. Ҳатто эътиборсизлик натижасида, тузатилган нуқсонлар кейинги нашрларда яна қайтарилиш ҳоллари оз эмас.

«Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазаллардан бирининг якунловчи байти 1959 йилги нашрда:

**Эй Навоий, халқ дер: жон БЕРУ Ё кеч ишқидин,**
**Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга —**

тарзида терилган эди.

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг биринчи жилдида (1987 йил, 58-бет) байтнинг аввалги мисрасидаги қўпол хато тузатилиб, мантиқий изчиллик тикланди:

**Эй Навоий, халқ дер: жон БЕР ВАЁ кеч ишқидин —**

Афсуски, «Ғаройиб ус-сиғир»дан ташкил топган учинчи жилдни нашрга тайёрлашда бу жиддий тузатиш эътибордан четда қолган ва эски қўпол хато яна қайтарилган (1988 йил, 36-бет). «Мукаммал асарлар тўплами»да бу гўзал байт зарурий белгилар ҳам қўйилиб, қуйидагича терилиши лозим эди:

**Эй Навоий, халқ дер: «Жон бер ваё кеч ишқидин!»**
**Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур менга.**

Яна бир мисол.

«Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг бирида маъшуқа сочи таърифида битилган ғоят чиройли байт 1959 йил нашрида (194-бет) шундай ёзилган:

**Сунбулинг тушса аёғинг остида не айбким,**
**Гул била хуршиднинг остида лому доли бор.**

Шоир-лирик «мен» маъшуқанинг сочи узунлигини табиий ва қонуний деб билади ва бу «ҳукм» фойдасига «гул» ва «хуршид» сўзларининг (яъни, маъшуқа сифатларининг) араб алифбосидаги ёзилиш шаклини далил сифатида келтиради. Иккинчи мисрани жорий имлога кўчиришда тегишли белгилар қўйилмас экан шоир қўллаган ғўзал бадиий санъат очилмайди ва ғазалхонга мисра бир-бирига боғланмаган сўзларнинг ножўя тизмасидек кўринади, бирор даражада бўлсин завқ бахш эта олмайди.

Бу мисраларни ўзида жам этувчи ғазал илк бор «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан анча илгари тузилган «Бадоеъ ул-бидоя» девони таркибидан ўрин олган эди. «Мукаммал асарлар тўплами»нинг биринчи жилди ўрнида нашр этилган «Бадоеъ ул-бидоя»да ноширлар аввалги нашрдаги нуқсонларга барҳам бериб, келтирилган байтни қуйидагича тузатганлар (153-бет) ва мисра заминидаги чуқур маънони ўқувчига тўла етказа олганлар:

**Сунбулинг тушса аёғинг остида, не айбким,**
**«Гул» била «хуршид»нинг остида «лом»у «дол»и бор.**

Аммо шу жилддан бир йил кейин (1988 йил) учинчи жилд сифатида нашр этилган «Ғаройиб ус-сиғар»да бу ўринли тузатишлар яна эътибордан четда қолган ва аввалги нуқсонлар такрорланиб, мисраъ тегишли белгиларсиз берилган (156-бет), натижада тушунарсиз мужмал бир жумлага айлантирилган.

«Ғаройиб ус-сиғар»нинг 1959 йил нашрларидаги (65 ва 398-бетлар) қуйидаги икки байтга ҳам диққат қилайлик:

**Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,**
**Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.**

Ва:

**Хат лафзи кимки ёзса қўяр нуқта юқори,**
**Мушкин хатингни устида андоқ кўрунди хол.**

Аввало шуни айтайликки, Зокиржон Фурқатнинг юксак бадиий маҳоратига одатда ишончли далил сифатида келтириладиган:

**«Нуқта лаб устида бежодур!» — дедим. Айди кулуб:**
**«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда!» —**

машҳур байтининг яратилишига Навоийнинг юқоридаги ғўзал байти бевосита туртки бўлган бўлса ажаб эмас: ўқувчи гувоҳ бўлаётганидек, Фурқат улуғ шоир қўллаган бадиий санъатни деярлик айнан такрорлаб, маъшуқа лабидаги холнинг «бежо» ўрнашганига ишора этмоқда. Холнинг «бежо»лигига далил сифатида эса ҳар иккала ижодкор «лаб» сўзининг арабий имлода ёзилишида нуқтанинг «бе» ҳарфи остида битилиши шартлигини ва фақат шундагина тўғри бўлишини кўрсатмоқда.

Навоий келтирилган иккинчи байтда ҳам, худди шу бадиий санъатга мурожаат қилган: «хат» лафзининг арабча имлода битилишида қаттиқ «хе» ҳарфининг устига нуқта қўйилиши шарт.

Бу икки намунада Навоий қўллаган ғўзал бадиий санъат мисралардаги «лаб» ва «хат «сўзларини қўштирноқ ичига олиб ёзилгандагина (ва тегишли изоҳ берилгандагина) ғазалхонга тўла тушунарли бўлади, унга завқ беради.

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг биринчи жилдида (80 ва 343-бетлар), гарчи изоҳ берилмаган бўлса-да ҳар иккала сўз қўштирноқ орасига олиниб тузатилган эди. Аммо, учинчи жилд ўрнида чоп этилган «Ғаройиб ус-сиғар»да яна ўша эски нуқсонлар айнан такрорланган (59 ва 304-бетлар) ва оқибатда қўлланилган бадиий санъат инкор қилинган.

Алишер Навоийнинг улкан ижодида, жумладан, шеърий меросида махсус изоҳталаб бадиий санъатлар ва турли-туман сўз ўйинлари маҳорат билан қўлланилган намуналар жуда кўп. Матнчи-ношир кенг ўқувчилар оммаси манфаатларини ҳисобга олиб бундай намуналарнинг матнда тўғри ва тушунарли ифодаланишига жиддий аҳамият бериши лозим. Хусусан, ҳали нашр ишлари тўла якунланмаган «Мукаммал асарлар тўплами»нинг чин маънода мукаммаллиги ҳам матнга ана шундай илмий ёндашувдан шаклланади.

*Карим БАҲРИЕВ*

# ТАШАККУР, БУ ТОНГ ҲАМ ЯНА УЙҒОНДИМ

I

**Тун бўйи руҳимни чақирди қушлар,**
**Вужудимга инди илоҳий мажол.**
**Қулоғимга оқди тоза товушлар,**
**Этимни силади абадий шамол.**

**Кирди димоғимга тупроқнинг ҳиди.**
**Кўзларимни очдим. Айладим дуо,**
**Танимда айланган хушнафас чиқди,**
**Тилимда оҳ бўлиб тирилди: Аллоҳ!**

**Илоҳим, субҳидам шавқидан қондим,**
**Тилим сўзга кириб бўлдим сасли ҳам.**
**Ташаккур, бу тонг ҳам яна уйғондим!**
**Ахир, мумкин эди уйғонмаслик ҳам...**

II

**Тонгдан дилга тушди бир маъюс ҳасрат,**
**Дўст сари отландим, йўлдан қайтмадим.**
**Лекин дўстим эди жуда ҳам хурсанд,**
**Мен ҳам кулиб турдим.**
**Унга айтмадим.**

**Бориб сўзлай, дедим отам, онамга —**
**Йўқ-йўқ, кўп озорлар етказдим ростдан.**
**Энди ақлим кирди.**
**«Бахтиёрман!» — деб**
**Уйимиздан қайтдим дардим айтмасдан.**

**Кимга бормай айтар ўз қувонч, ғамин,**
**Мен фақат тингладим,**
**Сўзлай олмадим.**
**Бахтлиларнинг базмин келмади бузгим,**
**Бахтсизларга бадтар қайғу солмадим.**

**Айтсам бўлар эди ёрим, боламга,**
**Кўнглимни ҳасратим ялар бетиним.**
**Болам жилмаярди ёруғ оламга,**
**Тинмай кулар эди бахтли хотиним...**

**Билдим,**
**Ғамгин одам ёқмас ҳеч кимга,**
**Ҳеч қайси маконда ёқмас кўз ёши.**
**Аллоҳим, дардимни айтдим ўзингга,**
**Йўқдир сендан бошқа менинг дарддошим.**

III

**Кечир, Қодир Аллоҳ, бандаларингни,**
**Офтоб — тафтинг эрур, қаҳрингдир — музлар.**
**Сен яратган гуллар — бизга мўъжиза,**
**Мўъжиза — ойдинлар, тунлар, юлдузлар...**

**Кечир, Қодир Аллоҳ, мендай бандангни,**
**Шамолдир нафасинг, пойингни ўпдим.**
**Сен яратган ерда узоқ кездиму,**
**Кечир, мен ўзингни жуда кеч топдим.**

**Ишва қилиб келди ойдай парилар,**
**Соядай эргашиб ўтди ойларим.**
**Кечир, Каъба эмас, қизнинг эшиги**
**Бўлди топинажак қадамжойларим.**

**Тавонимга тинмай осилди майса,**
**Гулларга термулдим: «Ана, бахтим!» деб.**
**Кечир, бу оламдан ҳайратга тушдим,**
**Лекин сўрамабман: «Ким яратди?» деб.**

**Бугун сени топдим, Аллоҳ, севинчим —**
**Сиғмайин борадир бағрим, ичимга.**
**Энди фақат Сенга топинурман жим,**
**Энди сиғинмасман ерда ҳеч кимга...**

IV

**Олис манзилларга термуламан зор,**
**Гоҳо ёруғ олам фикримга тордир.**
**Ўйлайман, «Юлдузлар ортида не бор,**
**Қуёшдан нарида нималар бордир?!»**

**Сенинг иноятинг — менинг ёдим ҳам,**
**Шуурим қаърида нурдай ёридинг.**
**Шамол ҳам йўқ эди, йўқ эди олам,**
**Офтоб ҳам йўқ эди... Ўзинг бор эдинг.**

**Нечун сени излаб кўкка боқкайлар,**
**Ахир, ерда ҳам — сен, сувларда ҳам — сен.**
**Оловда ҳам борсен — дилни ёққайлар,**
**Одамнинг ичида ҳам мужассамсен.**

**Кўрдим — тўрт томонда ўзинг муҳайё,**
**Ёмғирда — шафқатинг, покликда — қорсан.**
**Биз ўтиб кетармиз дунёдан, илло,**
**Мангуликка қадар сен ўзинг борсан.**

**Мунис бандаларинг йиғлаб ўтурлар,**
**Юракдан сизган ул нури жоласан.**
**Дунё ҳам тугайди балким бир куни,**
**Дунёдан кейин ҳам Ўзинг қоласан...**

*МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

# УСТОДНИ ХОТИРЛАБ...

Улуғ адиб Садриддин Айний ўз ижодиёти билан тожик халқи номини дунёга танитди. Паҳлавонона меҳнати, қалбу қалами ила Туронзамин фарзанди бўла олди ва айни вақтда дунё адабиётининг мумтоз қаламкашлари сафига кирди. Икки эл, икки юрт Тожикистон ҳам Ўзбекистоннинг мумтоз ва севикли адиби Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиётини оға-инилик даражасига кўтарди, айни вақтда ўзбек ва тожик халқларини ҳам оға-ини ва ини-оғалик туйғулари билан боғлади. Навоий Туронзаминни яққалам қилган бўлса, Садриддин Айний тожиғу ўзбекни, айни вақтда Ўрта Осиё халқлари қардошлигини улуғлади. Рудакий, Бедил, Ҳофиз, Навоий, Камол Ҳўжандий, ибн Сино, Восифий, Аҳмад Дониш... каби алломалар, буюк қаламкашлар анъаналарини оғир, мустабид замонда давом эттирди, улар ижодиёти ҳақида келажак авлодга маълумот берди. Тожикистонда янги Фанлар академияси тузишда иштирок этди ва унинг биринчи президенти этиб сайланди.

Бу буюк ишлар хамирдан қил суғургандек бўлган эмас. Маҳмуд Ҳўжа Беҳбудий, Шукурий, Фитратлар қатори Садриддин Айний ҳам таъқибга учраган, жадидизмда айбланган.

Баъзилар каминага мурожаат этиб, «Сиз Айний домла ҳақида кўп ёзасиз, шеър ҳам бағишлагансиз, боиси нима?» деб сўрайдилар. Ҳа, мен буюк устоз ижодиётини яхши биламан. У зот билан беш бор Душанбеда, Тошкентда, Самарқандда учрашганман. Устознинг фарзандлари Камолиддин Айний билан ҳам яқин танишман. Бу катта олим, бир неча бор Тошкентда уйимизда меҳмон бўлган.

1954 йил, 15 июлда улуғ адиб қазосида эрта тонгда Душанбега учган Шароф Рашидов раҳбарлигидаги делегация сафида ҳам бор эдим. Устоз тобутини минг-минг инсонлар қатори елкамизда кўтарганмиз. Тарихга мурожаат этишни ҳам устоддан ўргандик... Яна бир томони шуки, 1950 йил Тожикистон ёзувчилари 11-съездида қатнашдик, унутилмас устозимиз Ғафур Ғулом бошчилигидаги делегацияда Айний домла билан учрашганмиз. Душанбеда бир неча бор мулоқотда бўлганман. Абулқосим Лоҳутий домла билан ҳам шу ерда Душанбеда мулоқотда бўлдик. Эсдаликлар ёзамиз, десак, гап

Ёднома

кўп, иншоолло, вақти соати билан Садриддин Айний ҳақида кенгроқ рисола ёзиш ниятим бор. «Темур Малик» романимни ёзишимда устод ёрдамга келганлар, «Темурмалик — қаҳрамони халқи тожик» деган рисолалари каминага катта ёрдам берган. Буюк устозга қанчалик меҳр-муҳаббат қўйган бўлсак, тожик халқига ҳам шунчалик меҳримиз баланд, каминанинг «Ҳисори мозарнисори мо...» деган қатор лирик шеърларим, «Темур Малик» романидаги паҳлавон Шоҳмурод Қўҳистоний ва ворухлик ғўзал Нигина образлари Воруху Конибодому Хўжанд аҳлига ҳурмат, қадрдонларим тожикларга бўлган дўстлик туйғусидир. Мен, наинки устод Садриддин Айний, балки Мирзо Турсунзода, Абулқосим Лоҳутий, Мирсаид Миршакар, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода, Боқи Раҳимзода, Аширмат, Ғаффор Мирзо... ва бошқа қадрдонларим ёди юракда, улардан ҳамиша ҳурмату муҳаббат кўрган қаламкашман. Икки китобим Тожикистонда нашр этилган.

Устод Садриддин Айний 1878 йил 15 апрелда Бухоронинг Соктаре қишлоғида таваллуд топганлар. Бухородаги Мир Араб, Бадалбек, Олимхон мадрасаларида таҳсилу таълим олиб, кейинчалик муаллимлик қилдилар. Ижодлари даставвал шеъриятдан бошланиб, 1897 йилда «Гули сурх» шеърий китоби нашр этилди. Бир неча инқилобий шеърлар ҳам ёзганлар. Кейинчалик насрга мурожаат этиб, «Бухоро жаллодлари» романини ёздилар. 1934 йилда устод Айний «Қуллар» романини ўзбек тилида ёздилар, кейинчалик ўзлари тожик тилига ағдарганлар. Она тилида «Ғуломон» романи яна ҳам мукаммал ва жилвагар бўлган. Устод она тили ҳақида ёш қаламкашларга кўп гапирардилар, тожик тили юксалишида буюк адибнинг ҳиссаси ғоятда катта. 1937 йили «Судхўрнинг ўлими» ажойиб қиссасини ёздилар. Қори Ишкамба образи ғоятда ғўзал, моҳирона ва ҳаётий чиққан. 1949—1954 йилларда «Ёддоштҳо»ни ёздилар. Ундаги «Бухоро» китоби Давлат мукофотига сазовор бўлган. «Дохунда», «Ғуломон» романлари кўп тилларга таржима этилган. Садриддин Айний Самарқанд дорилфунунининг профессори эди. Самарқанду Бухоро тарихига оид кўпгина илмий рисолалар ёзганлар. Устоз 76 йил умр кўрдилар, уз меҳнату заковати ила катта ҳурматга сазовор бўлганлар. Душанбе шаҳри марказига Садриддин Айнийга ғўзал ва муҳташам ҳайкал ўрнатилган. Аввало тожик халқи, қолаверса, ҳукумат, шогирдлари бу ҳайкални тиклашда катта жонбозлик кўрсатдилар.

Садриддин Айний китоблари тинимсиз босилмоқда, кўп жилдлик асарлари ҳам қайта нашр этилди. Мустақиллик улуғ адиб ижодиётига яна ҳам катта ҳурмат ато этмоқда, қардош тожик замини тезда осойиш топиб, тараққиётга юз тутади.

15 апрел устоднинг таваллуд топган кунларидир, у зотнинг руҳи покига таъзим этамиз. Аллоҳ ул кишининг жойларини жаннатдан ато этсин.

# ГЎЗАЛЛИК ТАЪМИРЧИЛАРИ

**Боши биринчи бетда**

Санъат асари яратилавергани билан улар тўғри сақланмаса, бора-бора сифати бузилиб, нафосатини йўқотиб, ҳатто йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Музей архивига назар ташласак, бадиий асарларни сақлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилган.

1925 йилга келиб, музей хазинасининг сақланишига кўпроқ эътибор қаратилади. Унинг илк раҳбарлари Вербов, Волков ишлари кўрилиб чиқилиб, янги раҳбар Шепс санъатга нисбатан назоратни кучайтиради. Унинг фикрича, хазинабон тиниб-тинчимаслиги керак. Хазинабонлик қилаётган Лебедовнинг эса камчиликларга йўл қўяётганини қаттиқ танқид қилади. Тошкентда таъмирлаш устахонаси ва усталари йўқлиги эслатиб ўтилади. Маълум бўлишича, рангтасвир асарларини асосан локбўёқ сақларкан. Шу йилнинг ўзида 30та рангтасвир асари таъмирталаблиги рўйхатга олинган.

Шуниси қизиқ эдики, Россиядан санъат асарлари назоратсиз, палапартиш юборилиб турилади. Масалан, 1930 йил, 29 ноябрда Феодосий музейидан юборилган рассом Айвазовскийнинг «Ойдин кеча», «Денгиз қўлтиғи бўйида тонг», «Эркак киши», «Аёл киши» асарлари анча шикастланганди. Мой буёқлари қуриб, ёрилиб кетганди. Шу йили илк марта 18 рангтасвир Москвадаги бош таъмирлаш устахонасига юборилади.

Бадиий музей номи билан аталаётган биринчи нафосат маскани княз саройидан 1930 йил 19 апрелидан бошлаб Оқ уйга, 1934 йил 16 ноябрдан эса ҳозирги «Фотон» электротехника корхонасига кўчиб ўтади ва Файзи Ёқубович Воисов раҳбарлигида Ўзбекистон давлат Санъат музейи номига сазовор бўлади. Шундан эътиборан, музей ишлари яхшиланади. 1935 йили музей ўзининг таъмир устасига эга бўлди. Таъмирлаш рассоми Н. Нехорошева 216 та картинани таъмирлайди. Москвадаги таъмирлаш рассоми Д. Богосовский билан шартнома тузилиб, 10 минг сўм тўланади. Таъмирланган асарлар орасида К.Брюловнинг «Италиялик аёллар қудуқ бўйида», Левицкийнинг «Екатерина II портрети», К. Маковскийнинг «Католик ваъзхон», Крамскойнинг «Кампир портрети», Юдиннинг «Тоғдаги чойхона», В. Верешчагиннинг «Чакидахўрлар», А.Волковнинг «Туякарвон қўнғироғи», француз рассоми Адам Фан дер Мейленнинг «Людовик XIV от устида» ва бошқалар бор эди. Бу асарлар ўз вақтида таъмирланиб, қайтарилди.

Музейнинг ўзида яхшигина таъмирлаш рассоми бўлиб, у Л. С. Пржелуцкая эди. Бу таъмир устаси қисқа вақт ичида 24 картинани аслига келтиради. Булар орасида истеъдодли рассом О. Татевосяннинг 1929 йилдаги иши «Аёл портрети», «Колхоз раиси портрети» асарлари бўлиб, анча жойлари кўринмай, кир босган ва буёқлари қуриб қовжираб тушиб кетганди.

Файзи Воисов бу нафосат масканида атиги уч йил ичида кўп ишлар қилди. 1917-1935 йилларда яратилган тасвирий санъатимиз ҳақида олти кўргазма очиб, рисолалар (каталог) чоп эттирган. Бу музей ташкил этилгандан буён биринчи иш эди. Музей илмий кенгаши ташкил этилган. Ёзувчилар уюшмасидан 1935 йил, 1 октябрида севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий таклиф этилади. Ёзувчи музей кенгаши аъзоси бўлиб, миллий маданият ривожи ҳақида ижобий маслаҳатлар беради.

Ф. Воисов раҳбарлигида Санъат музейи ривожини ўз кўзи билан кўрган адиб шундай дейдилар:

**Ҳар кимсаниким бахти кулса,**
**Халқига жон ила хизмат қилса.**
**Лутфу карамга сазовор бўлгай,**
**Атрофи, зару зевар ила тўлгай.**

Музейга 1946 йилдан раҳбарликни бошлаган мусаввир Шамсрўй Ҳасанова ҳам шикастланган рангтасвир асарларини таъмирлатишга киришди. Таъмирлаш рассоми Л.С. Пржелуцкая ўзбек рассоми Баҳром Ҳамдамийнинг «Шоир Мустариб», «Мажнун сеҳрода», республикамизда яшаб ижод қилган Р. Зоммернинг «Бибихоним масжиди», «Самарқанд масжиди», рус рассомлари К.Брюловнинг «Турк аёли», «Боғчасарой фавворасси», «Италиялик аёллар уйқуда», Боровиковскийнинг «Болали аёл», Жерарнинг «Амур билан Психея» ва айрим икона рангтасвирларни таъмирлайди.

1930-1951 йиллар орасидаги даврда ҳайкалтарошлик санъатига эътибор сусайиб, княз асраб-авайлаб сақлаб келган мумтоз ҳайкаллар Оқ уй биноси боғини безаш учун қўйилиб, салкам чорак аср давомида оқ тусдан сариқ тусга кириб қолади. Саргайиб кетганидан ташқари ҳайкалларнинг айрим жойлари четнаб, ёрилиб ҳам қолганди. Бу ҳайкаллар таъмирланган бўлса-да, аввалги ҳолатига қайтариб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам санъат асарлари аввало тўғри сақланиши керак. Қолаверса, моҳир таъмиршунослар ноёб асарларнинг авлоддан-авлодга ўтиб, умрбоқийлик касб этишида катта рол ўйнайдилар.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси**

## Адаб, одоб ва одам

# ИЛМ АРО ГАР ВОҲИДИ ДАВРОНСАН...

**ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ХАЗИНАСИГА** улкан ҳисса қўшган хоразмлик сўз санъаткорлари орасида Огаҳий истеъдодли шоир, зукко тарихчи ва моҳир таржимон сифатида алоҳида ажралиб туради. Унинг тарихий асарларида инсонни ахлоқий покликка даъват этувчи маснавий-парчалар талайгина. Муайян воқелик заминида яратилган бу сатрларни матндан айри ҳолда ўрганиш мушкул. Негаки, улар насрда ҳикоя қилинган воқеаларни тўлдиради, далиллайди ёки мантиқий хулосалайди. Шу боис уларни насрий баённинг қисқа кўринишдаги шеърий такрори деб эмас, «қиссанинг ҳиссаси» деб баҳолаш жоиздир.

Огаҳийнинг 1844 йили ёзилган илк тарихий китоби — «Риёз уд-давла»да Оллоқулихон Хивага ҳукмдорлик қилган давр (1825—1842) воқеалари ўз аксини топган. Асарда икки байтдан 248 байтгача бўлган маснавий ва маснавий-парчалар ҳам мавжуд. Мана бу шеърий парча эса беш байтдан иборат:

**Кишиким, агар жубн қилса шиор,**
**Эл оллида доим бўлур шармисор.**

**На ёлғуз халойиқға матруд бўлур,**
**Ҳақ оллида ҳам зору мардуд ўлур.**

**Топар бу жаҳон ичра бадномлиғ,**
**Ҳам ўлғуси уқбода нокомлиғ.**

**Киши жубндин топса маъзуллик,**
**Топар халқу ҳам Ҳақға мақбуллик.**

**Шак эрмас дурур икки олам аро,**
**Неким комидур тенгри қилғай раво.**

Кўриниб турибдики, маснавий ёлғон ва ёлғончилик оқибати хусусида. У Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги машҳур ҳикоятни эсга солади. Агар киши ёлғончилик билан шуғулланишга одатланса, нафақат халқ, балки Ҳақ олдида ҳам «зору мардуд ўлур». Аксинча, бу иллатдан холи бўлса, «коми» ҳар икки оламда ҳам «раво» бўлғай.

Маснавий-парча ўзига хос мазмун ва тугалликка эга бўлса-да, асарга маълум тарихий воқеа баёнидан сўнг муаллифнинг унга ҳиссий муносабатини ифодалаш мақсадида киритилган. Огаҳийнинг ёзишича, айғоқчиликка юборилган қуллар акобири Ойиддин марҳам Хоразм денгизида иккиуч кемани узоқдан кўради-ю, Оллоқулихонга ёлғон маълумот келтиради: «...Ул ҳазратнинг мулозаматиға етиб, арз қилдиким, тожикдин икки юз отлиғ кема била дарёдин ўтуб, устумға келди ва ман аларни иккисин милтуқ била отиб ўлтурдим...» Хон бу гапни эшитгач, айтилган жойга одам юбориб тафтиш қилдиради. Шунда айғоқчи келтирган хабар мутлақо ёлғон бўлиб чиқади. Бундан ғазабланган хон ёлғончига тегишли жазо қўллайди. «...Ул ҳазрат онинг жубни жиҳатидин ғазабнок бўлуб, от ва яроқ асбобин илкидин олиб, ўздин боргунча таёқлатиб, бир оқшом совуқда мажруҳ бўлғон пайкарин ялонғочлаб қўйдурди...» Шоир бу воқеани маснавий жанрида назмга солиш орқали одамларни ёлғончиликдан, қаллобликдан тийилишга, маънан пок бўлишга, ростгўйликка чақиради.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги маснавийлари реал воқеликка асосланган бўлса, таржималаридаги, хусусан, «Гулистон» ўгирмасидаги маснавийлари нореал, аммо ҳаётда рўй бериши эҳтимолдан холи бўлмаган воқеалар заминида яратилган.

Маълумки, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»и ахлоқий ҳикоятлар ва шеърий парчалардан иборат. Ҳикоят эса, гарчи оғзаки адабиёт жанри ҳисобланса-да, қоғозга туширилаётганда муаллифнинг ғоявий нияти билан уйғунлашади. Ҳикоятга қўшилган назмий сатрлар муаллифнинг ўз ижоди маҳсулоти бўлиб, ҳикоятни янада такомиллаштиради. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, «Гулистон»нинг Огаҳий қаламига мансуб таржимаси унинг айнан ўгирмаси эмас. Профессор Нажмиддин Комилов Огаҳий таржима жараёнида 25 ҳикоят, уч юзга яқин шеър, бир қанча арабча жумлаларни ташлаб кетганлигини айтади. Бунинг сабабини маълум мавзудаги ҳикоятлардан битта-иккитасини танлаб, асарни ихчамлаштиришдир, деб тўғри таъкидлайди.

«Гулистон» аслиятининг «Дар ахлоқи дарвешон» бобидан ўрин олган бир ҳикоятда Саъдий илм ва илм аҳлининг юксак одоби ҳақидаги ибратли фикрларни келтирган. Ҳикоят таркибида тўрт байтли бир маснавий, бир байт шеър, олти байтли бир қитъа, жами 11 байт бор. Огаҳий эса таржима жараёнида бир оз бошқача йўл тутган. Ҳикоят ўртасида тўрт байтли, ниҳоясида эса беш байтли, жами тўққиз байтдан иборат маснавий келтирилган. Шеърий парчаларнинг шакли ва сони асл нусхадан фарқ қилса-да, уларда таржимоннинг (айни чоғда, муаллифнинг ҳам) илм ва илм аҳлининг юксак одоб-фазилати ҳақидаги ўлмас фикрлари зуҳр топган. Асл нусха қийматини инкор этмаган ҳолда, Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятидаги мазкур ҳикоятни шу мавзуда туркий тилда яратилган сара асарлар сирасига киритиш мумкин. Таржимон асл нусха паноҳида ўз шеърини тақдим этган, ўзининг ижодий салоҳиятини кўрсата билган.

Ҳикоятда дастлаб бир шариат билимдони отасига айрим олимлар ўзлари айтган гапга амал қилмасликларини афсус-надомат билан сўзлагани баён этилади. Сўнгра таржимоннинг бу воқеага муносабати «назм риштасига» терилади:

**Элга дунёдин берурлар билимлар,**
**Ўзлари дойим йиғурлар сиймлар.**

**Чун, амал қилмас эса олим агар**
**Ўз сўзига, айлагай кимга асар.**

**Олим улдурким, асар қилғай сўзи,**
**Демагай ул сўзниким, қилмас ўзи.**

**Қайси олимким баданпарвар бўлур,**
**Ўзи гумраҳдур, нечук раҳбар бўлур.**

**ОГАҲИЙНИНГ МАҚСАДИ РАВШАН.** У йигитнинг фикрига қўшилмоқда. Негаки, ҳақиқий олим шогирдидан талаб қилаётган улуғ фазилат-хислатларга, авваламбор, ўзи эга бўлмоғи, айтган ҳар бир сўзига ўзи амал қилмоғи лозим. Тил ва дил бирлиги ҳақидаги бадиий ҳақиқат қуйидаги байтга сингдирилган:

**Олим улдурким, асар қилғай сўзи,**
**Демагай ул сўзниким қилмас ўзи.**

Шоир зиёлиларни «нишон»га олгани бежиз эмас. Таниқли олимнинг илмий мактабидан илм-фан тараққиётининг у ёки бу жиҳати учун хизмат қиладиган бир неча шогирд етишиб чиқиши мумкин. Демак, устоз-олим зиммасидаги масъулият бошқа касб эгаларининкидан анча устундир. Буни Саъдий Шерозий ҳам, мутаржим ҳам жуда яхши тушунганлар.

Огаҳий маснавий-парчанинг сўнггида ўзига оро берадиганларни, нафс бандасига айланганларни «баданпарварлар» деб атайди. Чунки илм ички гўзаллиқдир. Маиший фароғатга берилиб, ташқи чиройни гўзал ҳисоблаган олим гумроҳдир. Бундай кишидан раҳбар чиқмаслиги тайин.

Энди ҳикоятнинг давомига диққат қилинг: «...Отаси деди: «Эй фарзанд, маҳз бундоқ ботил хаёл била носиҳлар тарбиятидан юз эвурмак ва уламони залолатға мансуб қилмоқ пок олим талабида илм фойдасидан маҳрум қилмоқ бир кўр ҳолига ўхшарким, лойға ботмиш эрди ва қичқирур эрдиким: «Эй мусулмонлар, менинг йўлумға бир чироғ келтиринглар». Ул чоғда бир фоҳиша хотин анго бонг уруб деди: «Сенким, чироғ кўрмассен, чироғ била қайси нимани кўрарсен». Бас, мажлис баззоз дўкониға ўхшарким, онда то нақд бермагунча матоъ ола олмассен ва мунда то иродат келтирмагунча саодат элта олмассен».

Зукко-оқил ота дунёвий илмдан бехабар фарзанди саволига бундан ортиқ жавоб бериши мумкинми?! Жавоб ичида келтирилган ички ҳикоятча ҳам моҳият-эътибори билан умумматнинг бош ғоясини юзага чиқариш учун хизмат қилган.

Огаҳий воқеанавис сифатида отанинг ўринли ва асосли жавобига ҳам муносабат билдиради, уни мустаҳкамлаб ривожлантиради:

**Рағбатинг бирла эшит олим сўзин,**
**Гар мувофиқ қилмас ул сўзга ўзин.**

**Муддаийларнинг бу сўзин билма чин,**
**Ким дегайлар зоҳирида қаҳру кин.**

**Ҳар кишиким ўзи уйқуда ётур,**
**Уйқуда ётғонни найлаб уйғотур.**

**Мард улдурким, амал қилғай анга,**
**Панд агар ёзилса бир девор аро.**

**Зоҳид ўзни зўр бирла қутқарур,**
**Неча гумраҳларни олим бошқарур.**

Таржимон-муаллиф «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма» деган қадимги ҳикматни ҳам хаёлидан фориғ этмаган. Шогирд устоз фикрини рағбат қулоғи билан тинглаши, муддаийлар гапига юрмаслиги лозим. Чунки муддаийларнинг ўзлари уйқудадир. Уйқудаги одам ухлаб ётган бошқа кишини уйғота олмайди. Ғоят чиройли ўхшатиш. Айниқса, ушбу қўшмисра шоҳбайтга ўхшаб туюлади:

**Мард улдурким, амал қилғай анга,**
**Панд агар ёзилса бир девор аро.**

Панд-насиҳат ҳатто деворга битилган тақдирда ҳам, ҳамиша инсонни покликка, комилликка ундайди, унга амал қилган киши эса мард одам ҳисобланади.

«Гулистон» таржимасининг «Суҳбат одоби зикрида» деб номланган қисмида ҳам илм аҳлига хос фазилатлар ҳақида қатор ҳикматлар ва шеърий парчалар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, дунёда икки киши беҳуда азоб кўради ва бесамар яшайди. Бири — кўп мол йиққану ўзи емаган, иккинчиси — кўп илм ўргангану унга амал қилмаган одам. Шоир шуни назарда тутиб ёзади:

**Илм аро гар воҳиди давронсан,**
**Амалинг бўлмас эрса нодонсан.**

**Топмағунг дониш аҳли ичра ҳисоб,**
**Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб.**

**Бўлмағай ҳаргиз ул эшакка хабар,**
**Ўтун устида ё эрур дафтар.**

Шоир-таржимон бутун умр мол-давлат йиғиб, сарфлай олмаган киши ҳақида лом-лим демайди, аммо илм ўрганиб унга риоя қилмаган кишига кўпроқ ачинади. Уни устидаги юкка бепарво эшакка менгзайди. «Илм ўрганиш, — дейилади ҳикмат интиҳосида, — мол-давлат тўплаш учун восита эмас. Кимки ундан шу йўлда фойдаланса, бу ўзи йиққан хирмонга ўзи ўт қўйиши билан баробардир:

**Илм сотмоқға кимки юз урди,**
**Жамъ этиб хирман ўтға куйдурди.**

**УМУМАН ОЛГАНДА, ОГАҲИЙНИНГ** инсон одоби, унинг жамиятдаги мавқеи, яшашдан муроди ҳақидаги қарашлари кўпчилик маснавийларида ё бевосита, ё билвосита зуҳр этилган. «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 938-рақамли нусхаси 209—215 саҳифаларида «Даҳреки бир боғи мусаффо дурур» мисраси билан бошланадиган 116 байтли маснавий мавжуд. У ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-тарбиявий мазмунда бўлиб, муаллифнинг табиат ва жамият, дунё ва ҳаёт, инсон ва унинг мавқеи ҳақидаги қарашларидан иборат. Шоир ҳаёт инсонга бир маротаба бериладиган улуғ неъматлигини, ўткинчи дунёнинг ҳар дақиқаси ғаниматлигини, умрни мазмунли ўтказиш учун мол-дунёга оз-ўз қўйишдан, бойлик тўплашдан кўра ақл, «фаҳму ҳирад» тўпламоқ афзаллигини эслатиб, шундай дейди:

**...Давлатиға ҳар киши топса даст,**
**Бўлса неча кун анго мағруру маст,**

**Борғуси давлат қолибон ҳасрати,**
**Ҳасратиға арзимағай давлати.**

**Онда агар шоҳу гадо гар дурур,**
**Чеккали ҳасратни баробар дурур.**

**Кўрки Искандар била Баҳрому Жам,**
**Ёлғуз олар йўққа — неча шоҳ ҳам.**

**Мақсадиға ҳеч бири етмади,**
**Манзилиға шод бўлуб кетмади.**

**Бас, кишиким оқилу доно дурур,**
**Фаҳму ҳирад бирла товано дурур.**

Бу сатрлар қатида теран маъно мужассам. Зеро, қанча мол-давлатга эга бўлсалар ҳам, Искандар Зулқарнайн, шоҳ Баҳром, шоҳ Жамшид, қисқаси, жаҳоннинг барча шоҳлари боқий дунёга ҳасрат ила кетдилар. Демак, одамзот бойлиги билан эмас, балки ақли, тафаккури билан қудратлидир.

Хуллас, Огаҳий ижодиётидаги, айниқса, маснавийларидаги ҳикматларни ўқиш ва уқиш инсоният маънавий ҳаёти учун фақат фойда келтиришига шубҳа йўқ.

**Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти аспиранти**

# ЭЗГУЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

Ўзлигини англаш сари юз тутган Ватанимизда иқтисодий тамойиллар устиворлигини таъминлаш билан бирга маънавий-маърифий масалаларнинг ҳам кун тартибига қўйилиши табиий жараёндир. Чунки фуқаролари руҳий-маънавий жиҳатдан соғлом, маърифатли бўлган мамлакатдагина тинчлик, фаровонлик ҳукм суради, тараққиёт юз беради, адолат тантана қилади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга, оилаларни мустаҳкамлашга, ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйишга катта эътибор берилаётгани қувонарли ҳолдир. Бу амалий ишлар, айниқса, юртбошимиз кўрсатмалари асосида янги таълим дастурининг яратилиши, унда иқтисодий-ижтимоий соҳалар қатори маънавий-руҳий масалаларнинг бош йўналиши сифатида белгилаб қўйилиши барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Зеро, миллатимизни ўзгалар ҳам билмоғи-танимоғи учун аввало биз ўзлигимизни англамоғимиз шарт. Бунинг учун элу юртнинг, Ватаннинг қадрига етишимиз, унинг инсон учун улуғ неъмат эканлигини ҳис қилишимиз, шу заминга юрак қонимиз, бутун борлиғимиз билан меҳр қўймоғимиз даркор. Бундай инсоний туйғулар фақат шаклу шамойилда зоҳир бўлиб қолмасдан, ҳаётимизнинг моҳият-мазмунига сингиб кетмоғи лозим. Чунки узоқ йиллар қуллик занжирида яшаш кўпчилигимизнинг онгимизда оммавий ғуруруисизликнинг пайдо бўлишига, ифтихор туйғусининг сохталашувига олиб келди. Истиқлолга эришгач, маънавиятни юксалтириш мақсадида катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Чунончи, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилди, ҳар бир ташкилот, корхона ва маҳаллаларда унинг бўлимлари тузилди. Кўплаб кадрлар маънавий-маърифий ишларни бошқаришга сафарбар этилди. Мухтасар қилиб айтганда, бу борада ўзига хос бир тизим шаклланди. Натижада, миллий урф-одатларимизни тиклаш, маънавий қадриятларимизни, мумтоз меросимизни ўзимизга қайтариш янада тезлашди. Бу борада шу пайтгача қилинган ва бундан кейинги мўлжалланган ишлар миллий таълим дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Унда айниқса шахснинг интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор берилган.

Дарвоқе, эндиликда олий таълимда ҳам маънавий жиҳатдан туб ислоҳотларни амалга ошириш мавриди келди. «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак» деган гапга амал қиладиган бўлсак, муаллимнинг маънавий қиёфаси ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим бўлади. Негаки, узоқ йиллар мобайнида сафимизда кўринишидан ширинсўзу мулойим табиатли, амалда эса хўп-хўпчи раҳбарлар, фақат ўз фойдасини кўзлайдиган ишбилармонлар кўпайиб кетди. Мустақиллик шароитида эса Ватан, халқ манфаатларини шахсий ҳузур-халоватидан устун қўядиган, ҳақ йўлдан тоймайдиган маънавий жиҳатдан соғлом, маърифатли жамият аъзолари шаклланмоғи зарур. Олий ўқув юртларимизда маънавият ва маърифат дарсларининг ўқитилиши шу йўлда бошлаган эзгу ишларимизнинг дебочасидир. Биноборин, ўзининг маънавий поклиги билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, айтганларига аввало ўзи амал қиладиган, ҳаёти, турмуш тарзи билан одамларга эзгулик юқтирадиган, бурчини шахсий манфаатидан устун тутадиган муаллимларгина талабаларга том маънода устоз бўлишлари мумкин. Борди-ю, тескари йўл тутилса, маънавият сабоғи эл-юрт эъзозига сазовор бўлган, қаноатли, назари тўқ устозлар зиммасига юклатилмаса, ёшлар маънавиятини юксалтириб ҳам, уларни келажакка ишонтириб ҳам бўлмайди.

Маълумки, ахлоқий покликнинг бир ҳалқаси она тилимизга муносабатда ўз ифодасини топади. Чунки тил дил калитидир. Кўнгил сандиғи фақат тил воситасида очилади. Дунёдаги қайси бир давлат ёки миллат тараққиёт йўлига тушиб олган, ўзлигини таниган бўлса, у бундай шарафга ўз маданиятини, маънавиятини, она тилини, адабиётини юксак мақомга кўтариш орқали эришган. Бу оддий ҳақиқат. Ғарбу шарқнинг тараққиёти ривожланган инглиз, француз, немис, япон, хитой, корея каби халқлари ҳозир ҳам ўз тилларида яратилган адабиёт ва маданиятни эъзозлаб, миллий қадриятлари сарчашмаларидан озуқланиб келмоқдалар. Ушбу мамлакатларнинг деярли барча олий ўқув юртларида, аввало (биринчи курсданоқ) она тили ва Ватан адабиёти асосий фан сифатида ўқитилади. Бизда-чи? Афсус, бу борада чиқарилган қонунлар, қабул қилинган қарорлар ҳануз ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилмаётир. Хўш, нега шундай? Ахир, дунёни англаш ўзликни англашдан бошланади-ку. Бизнинг ўзлигимиз, маънавиятимиз она тилимизда, адабиётимизда ўз ифодасини топмаганми? «Тилга эътиборсизлик, элга эътиборсизлик» эмасми? Бизнингча, бу саволларга ҳеч ким йўқ дея жавоб бермаса керак. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, филолог мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртларининг аксариятида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ҳамон номигагина фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан русийзабон талабаларга давлат тилини ўқитиш билангина кифояланиб қолмоқдалар. Давомини суриштирсангиз, бу соҳадаги ишлар ҳам ҳамма жойда бирдек самара бермаётир. Сабаби — сув бошидан лойқа. Айрим мутасадди амалдору раҳбарлар учун Она тили тушунчаси фақат давлат тили деган расмиятчиликдангина иборат бўлиб қолмоқда. Миллий гуруҳларни ўқитиш учун ажратилган ва Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган 72 соатлик дастур кўпчилик олий юртларининг ўқув режасидан ҳануз ўрин олгани йўқ.

Шубҳасиз, мамлакатимизнинг келажаги, унинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши ёшларимизнинг ривожланган халқлар тилларини нечоғлик чуқур билишлари билан боғлиқ. Аммо хорижий тилларни ўрганиш миллий тилимизни, маънавиятимизнинг асоси бўлмиш адабиётимизни четлаб ўтиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек, биз дунёга номигагина Ўзбекистон деган ном билан эмас, балки мазмун ва моҳият жиҳатидан инсонпарварлик ва адолатпарварликка асосланган, ҳуқуқий демократик Ўзбек давлатчилигини яратиш билан ҳам танилишимиз шарт. Бунинг учун эса фикр соғломлиги, ахлоқийлик, эзгулик ва гўзалликлар манбаи бўлган, ҳамма замонларда тил ва дил бирлиги учун курашган адабиётимиз намуналарини маънавиятимиз асоси сифатида ҳамма олий илм даргоҳ ўқув режасига киритишимиз лозим. Бу, бизнингча, бугуннинг кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларидан биридир.

**Ҳасан ҚАЮМОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# КОСОНИЙ РУҲИ

Бир куни кафедрада ўтирсам, таниқли шарқшунос, филология фанлари доктори Ориф Усмонов кириб келдилар. Салом-аликдан сўнг:

— Мана шу китобни Наимжон Норқуловга бериб қўйсангиз, шошилиб турувдим, — дедилар.

«Хўб бўлади», дедим-да китобни столга қўйиб, домлани кузатиб чиқдим. Қайтиб келиб, араб алифбосида босилган китобни кўздан кечирсам, Саййидмубаширхон Косонийнинг уч жилдлик «Ўрта Осиё тарихи» асарининг биринчи ва иккинчи жилдлари экан. Унинг мундарижаси, муқаддимаси билан танишиб чиққач, муаллифнинг ҳамюртим эканлигини билиб олдим.

Кечга яқин Норқулов китобни олиб кетди ва «ҳамшаҳарингиз билан таништираман», деб ваъда берди. Кунлардан бир кун дўстим Олой бозори мавзесида яшайдиган Саййидмубаширхон домла ҳузурига бошлаб борди. Бизни қотмадан келган, арабий авра-астар чакмон кийиб олган, 60 йилдан зиёд ватанидан жудо бўлиб, Шарқ мамлакатларини кезган бўлса ҳам ҳамон косон лаҳжасида гапирадиган нуроний инсон очиқ чеҳра билан кутиб олди. Вақт тушликка яқинлашиб қолгани учун бир пиёла чойдан сўнг:

— Наимжон, овқат тараддудини кўрмаймизми? — деб қолдилар.

— Сиз масаллиқларни кўрсатиб қўйсангиз бўлди, буёғини ўзимиз боплаймиз, — деб Наимжон ишга киришиб кетди.

— Биз суҳбатни давом эттирдик. Маълум бўлишича, Саййидмубаширхон 1929 йили Косонсойнинг Дарвоза қишлоқ (Асп бозор, Кўчаи Чак, Шахраб кўчаларини бирлаштирган) маҳалласида катта мулкдор Сулаймонхўжа оиласида дунёга келган. Оналарини Латифабиби, деб аташган. Шахрабдаги тўрт тошли тегирмон ҳам Сулаймонхўжага қараган. 30-йилларнинг бошларидаги қулоқ қилишдек мудҳиш сиёсат Сулаймонхўжа оиласини ҳам барбод этади. Ўзи қамоқда оламдан ўтади. Бошпанасиз, тирикчилик ўтказиш воситасидан маҳрум оила кўчада қолади. Тоғаси Саййидаҳмадхон онаси ва Саййидмубаширхонни олиб, шаҳардан чиқиб кетади ва Кўлобдаги Қаймоқчи қишлоғига боради. Аммо ҳамшаҳарларидан бири қишлоқда «бойқулоқнинг фарзандлари» юрганини давлат хавфсизлик идораларига етказишади. Натижада «ҳукумат кишилари» уларни бу ердан ҳайдаб юборади. Улар қанча сарсонликдан сўнг Афғонистон билан чегарадош Қурбони шаҳид (ҳозирги Восеъ тумани) қишлоғига бориб, бошпана топиб, бир йил колхозда ишлашади. Бу орада Саййидаҳмадхоннинг оналари ва тоғаси ҳаётдан кўз юмишади.

Жудолик дардига бардош беролмаган Саййидаҳмадхон кунлардан бир кун Дарқад кечувидан гупсарчилар ёрдамида ҳамроҳ қариндошлари билан Афғонистонга ўтиб кетади. Шундан сўнг Саййидмубаширхоннинг ҳаёти гоҳ Ҳиндистон, гоҳ Афғонистон ва ниҳоят Арабистонда кечди.

У кишининг тўрт ўғли ва тўрт қизи бор. Катта ўғли тижорат ишлари билан машғул. Қаерда яшамасин Саййидмубаширхон қалбида халқи меҳри, Ватан соғинчи туғён урарди. У тожирлик ишларидан фориғ пайтларида халқи тарихи ҳақидаги кўҳна китобларни варақлаш, улардаги жасорат, матонат тўла саҳифаларни кўчириб олиш, ўнлаб шоирлар девонлари асл нусхаларини кўздан кечириш, бу хусусда бирон-бир китоб яратиш илинжи билан таскин топади. Шу йўлда у Ҳиндистон, Афғонистон, Эрону Вашингтон китоб хазиналаридаги дастхатларни 20 йил давомида ўрганиб чиқади, кекса ватандошлари билан суҳбатлашади, баҳсу мунозаралар қилади. Натижада уч жилддан иборат «Ўрта Осиё тарихи» китоби вужудга келади. Ушбу асарга сўз боши ёзган Эргаш Муҳаммад Булоқбоши қуйидагиларни таъкидлайди: асарнинг биринчи жилди 351 саҳифадан иборат ва бир неча бобларга бўлинган 7 бўлимдан ташкил топган бўлиб, Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари ва уларнинг биринчи мустақил давлатчилиги ташкил топган IX-X асрга қадар бўлган тарихни ўз ичига олади. Муаллиф бу тараққиёт даври тарихини ёритаркан, умуминсониятнинг қадимий тарихий тараққийси билан боғланган ҳолда мулоҳаза юритади.

Асарнинг 394 саҳифали иккинчи жилди бир неча боблардан иборат беш бўлимдан ташкил топган. Унда асосан Ўрта Осиё тарихи ҳақида сўз юритилган бўлиб, Туркистонда Қорахонийлар давлати қурилишидан то темурийлар давлатчилигигача ўз ичига олгандир. Бу жилдда айрим сулолалар тузилиш жадвали ва хариталар орқали муаллиф кўп тарихий ҳодисаларга атрофлича аниқлик бериб ўтади. Ушбу китоб ўтмиш тарихимизнинг ҳамма жабҳаларини холис, мукаммал ёритиб берилганлиги билан қимматлидир. Китобнинг нашри кутилаётган учинчи жилдида XV асрдан тортиб ўлкамизда октябр тўнтариши юз бериб, халқ бошига тушган мудҳиш тарихий воқеаларгача ёритилади.

Саййидмубаширхон Косоний шеърият нафосатини нозик идрок этадиган олим эди. У кишининг «Ғазнавийлар даври адабиёти ва маданияти», «Қори Раҳматуллоҳ Партав Косоний», «Мир Атоулло Косоний», «85 косонийлик муҳожирлар тарихи» каби китоблари ҳамда Темурийлар даври санъати тарихига доир мақолалари дастхатлари ҳозир Жиддада яшаётган ўғиллари Маҳмуджоннинг қўлида сақланмоқда. Уч жилддан иборат «Ўрта Осиё тарихи» китоблари эса «Мовароуннаҳр» нашриёти тасарруфида.

Саййидмубаширхон Косоний оиласи билан икки йил Тошкентда яшаб, 1996 йили вафот этганлар. Иншооллоҳ, келгусида фарзандлари қўлидаги дастхатларни ҳозирги ҳарфга кўчириб, эътиборингизга ҳавола қилиш ниятидамиз. У кишининг хотираси, ҳамиша барҳаёт руҳи бизни шунга даъват этади.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**профессор**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси
**Жўра Алимардон**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мукимий Номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматовнинг рафиқаси
**Набоҳат РАЖАБОВА**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Абдуқаҳҳор Иброҳимовга онаси
**Офтоб МИРОЛИМОВА**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Уч оғайни ботирлар, Ким ўзарга ўйнашар. С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон Адабиёти ва Санъати
1998 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди 19.30.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Сирожиддин САЙЙИД

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 011181. 20265 нусхада босилди. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6